Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 11 (20. 578) • 1990 йил 13 январь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси «Мактабни ислоҳ қилишда, халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашни таъминлашда Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги раҳбар коммунистларининг роли тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Мутахассислар билан кенг маслаҳатлашмай ва жамоатчилик фикрини эътиборга олмай, 1988 йил июлида республика халқ таълими бошқармаси структураси қайта тузилганлиги самарасиз бўлиб чиққанлиги Бюро мажлисида қайд этилди. Ўз атрофига турли характерда ишлайдиган ва пул билан ҳар хил тарзда таъминланадиган 13,7 мингта муассасани бирлаштирган бесўнақай, бошқариш оғир бўлган система вужудга келди, бу система туб ўзгартишларни таъминлашга қодир эмаслиги аниқланди.

Янги тузилган Халқ таълими министрлиги ва унинг раҳбарлари фаолиятидаги жиддий камчиликлар ҳам ислоҳотнинг қониқарсиз боришига сабаб бўлганлиги таъкидланди. Узлуксиз таълим системасини шакллантиришда сезиларли силжишларга эришилмади, олий мактаб, ишлаб чиқариш ва академия фанини бирлаштириш воситалари, кадрларни эҳтиёжларга ва регионларнинг хусусиятларига, фан-техника тараққиёти талабларига, Ўзбекистон ССРнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тенденцияларига мувофиқ равишда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш воситалари ишга солинмади. Янги типдаги ўқув юртларини барпо этиш иши сust бормоқда, кадрлар тайёрлаш юзасидан ўқув юртлари билан корхоналар ўртасидаги шартномалар юзаки тус олган, кейинги йилларда республика олий ўқув юртларини пул билан таъминлашда министрлик ва идораларнинг улуш қўшиб қатнашиш ҳажми 25 миллион сўмдан 5 миллион сўмга тушиб қолди. Ёш мутахассислардан улар тақсимланган жойларда фойдаланиш масалалари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Саноат учун кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртлари туб миллат ёшлари билан ишлашни яхши йўлга қўймаган. Министрлик марказий илмий муассасаларда ва олий ўқув юртларида, чет элларда олий малакали мутахассислар, илмий педагог кадрлар тайёрлашни кўпайтириш имкониятларини қидириб топмаяпти.

Текшириш материалларидан маълум бўлишича, министрликни ташкил этиш босқичида катта хатоларга йўл қўйилган. Ўқув юртларининг мустақиллигини кенгайтириш, жойларда министрлик билан халқ таълими идораларининг ҳуқуқлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш масалалари ҳал этилмаган. Натижада министрлик чўқур таҳлил ишлари билан шуғулланиш, энг муҳим масалаларни ишлаб чиқиш ўрнига кундалик иқир-чиқир ишларга ўралашиб қолмоқда. Ўтган йилнинг 8 ойи мобайнида жойлардан 20 мингтадан кўпроқ ахборот ва ҳисобот олинган, уларнинг кўплари давлат статистика комитети томонидан кўзда тутилмаган ахборот ва ҳисоботлардир. Жойларга 40 мингтага яқин қарор, фармойиш, кўрсатма юборилган. Министрликнинг тузилиши самарали эмас, унинг баъзи бўғинлари айнан бир хил масала билан шуғулланади. Кадрларни танлашда, жой-жойига қўйишда жиддий янглишишларга йўл қўйилган.

Кадрларга ғоявий-сиёсий тарбия бериш иши бўшаштириб юборилганига алоҳида эътибор қаратилди. Педагоглар ва ўқувчилар орасида ҳуқуқ-тартиботни бузиш, ичкиликбозлик ҳоллари ҳали ҳам кўплаб учраб турибди. Ўқув юртларининг айрим раҳбарлари аниқ, изчил партиявий позицияда турмаяптилар, салбий ҳодисаларни баҳолашда принципиаллик қилмаяптилар. Министрлик олий ўқув юртларида, техникумларда ва ҳунар-техника билим юртларида тарбиявий ишни йўлга қўйишга дуруст таъсир ўтказмаяпти, ҳар томонлама камол топган шахсни вояга етказиш, ўқувчиларга ватанпарварлик ва байналмиллалик туйғуларини сингдириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормаяпти.

Аппарат партия ташкилоти министрликнинг ташкил этилишида ўз ўрнини топмаганлиги қайд этилди. Ишчанлик ва талабчанлик вазиятини қарор топтиришда, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда унинг роли паст. Партия йиғилишларида, бюро мажлисларида министрлик раҳбар коммунистларининг ўз хизмат ва Устав вазифаларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланмади. Партия бюроси партия интизомини бузиш, коммунистларнинг лоқайдлари каби фактларга муросасозлик билан қарамоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси қабул қилган қарорида Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг республикада таълимни ислоҳ қилишнинг боришига, КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленуми қарорларини амалга оширишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолиятини қониқарсиз, деб баҳолади. Министрлик раҳбар коммунистларининг иши етарли эмас ва ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди, деб топилди. Министр, КПСС аъзоси ўртоқ М. А. Зоидов ҳали министрлик аппаратида жипслик ва ишчанлик, уюшқоқлик ва интизом, кадрларга нисбатан талабчанлик, тармоқдаги амалий ўзгаришларга эришишга интилувчанлик вазиятини вужудга келтира олмаганлиги қайд этилди. Министр ўринбосарлари — коммунистлар С. Г. Махненко, Н. М. Науменко, А. Х. Нуриддинов, У. А. Усмонов, Х. К. Йўлдошев унчалик ташаббускор эмаслар, етилган муаммоларни ҳал этишнинг янгича йўлларини изламайдилар, министрликнинг иш услубидаги кўпдан-кўп камчиликларни кўра туриб, уларни тугатишда принципиаллик кўрсатмаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Ўзбекистон ССР Министрлар Советига министрликни тугатиш, халқ таълими системасини бошқаришнинг янги структурасини ташкил этиш, тармоққа раҳбарликни кадрлар билан мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқишни топширди.

Халқ таълимида вужудга келган вазият янгича ёндашувларни, ёшларга таълим бериш ва касб-кор ўргатиш даражасида туб ўзгаришларни талаб қилаётганини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига етакчи мутахассислар орасидан 2005 ва 2015 йилларгача республика халқ таълимини ривожлантириш, кадрларни мавжуд эҳтиёжларга мувофиқ тайёрлаш концепциясиниҳамда истеъдодли ёшларни аниқлаб, танлаб олишнинг, улар билан ишлашнинг давлат-жамоат системаси асосларини ишлаб чиқадиган комиссия тузиш топширилди.

Ижтимоий онгдаги ва аввало ёшлар орасидаги жараёнларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳрида СССР Фанлар Академияси социологик тадқиқотлар институтининг филиалини барпо этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Қарорда тегишли министрликлар ва идораларга мамлакатнинг ҳамда чет элларнинг етакчи ўқув ва илмий марказларига докторантлар, аспирантлар, стажерлар ҳамда студентлар юборишни кўлайтириш топшириқлари берилди.

Область партия комитетларига КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленумининг қарорлари қандай бажарилаётганини таҳлил этиш асосида халқ таълимида амалий силжишларга эришишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиб, 1990 йилда амалга ошириш топширилди. Авария ҳолатидаги ва яроқсиз мактабларни қисқа муддатларда тугатиш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш системасини ишлаб чиқиш ва ҳаракатга келтириш; айниқса қишлоқда мактабгача тарбия муассасаларининг янгича шаклларини жорий этишга — хонадонларда болалар боғчаларини, уй-жой фондининг бир қисмидан фойдаланиш ҳисобига барпо этиладиган мактабгача тарбия муассасаларининг филиалларини очиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мактабдаги ўринларни жадал кўпайтириш, хўжаликларнинг қўшимча маблағларини жалб этиш мақсадида қишлоқ жойларида камроқ болалар ўқийдиган ва бошланғич мактабларни устун даражада қуришни таъминлаш, корхоналарда мактаб асбоб-ускуналарини тайёрлайдиган ва ремонт қиладиган участкалар, цехлар барпо этиш ва ажратиб қўйиш, бу ишга кооперативларнинг фаолиятини жалб этишни рағбатлантириш ва улар учун солиқ соҳасида енгилликлар бериш; меҳнат коллективларидан, гражданлардан тушадиган маблағлар ҳисобига болаларга ёрдам район фондини вужудга келтириш соҳасида Тошкент шаҳар Куйбишев районининг тажрибасини оммалаштириш муҳим, деб топилди.

Оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътибори халқ таълими муаммоларини ва новатор педагогларнинг, энг яхши ўқув юртларининг тажрибасини кенг ёритиш, партия ва ҳукуматнинг ўрта ҳамда олий мактабни қайта қуриш масалаларига оид қарорлари қандай бажарилаётганини ошкора назорат қилишни таъминлаш зарурлигига қаратилди.

РЕСПУБЛИКА МУАММОЛАРИ— МАМЛАКАТ МУАММОЛАРИ

М. С. ГОРБАЧЕВнинг Литва ССРда бўлиши

ВИЛЬНЮС, 11 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев бугун Литва ССР пойтахтига келди. Аэропортда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Бразаускас, КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Бурокявичюс, республика Олий Совети Президиумининг Раиси В. Астраускас, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси В. Сакалаускас кутиб олдилар.

Вильнюс аҳолиси Литва диёрига келган Совет Иттифоқи коммунистик партиясининг раҳбари, совет давлатининг бошлиғини самимий кутиб олди.

М. С. Горбачев билан бирга КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош муҳаррири И. Т. Фролов бу ерга келди.

Совет Литвасининг меҳнаткашлари М. С. Горбачевнинг республикага келишини кутган эдилар. Яқинда январь ойининг дастлабки кунларида ишчилар ва қишлоқ меҳнаткашлари, студентлар ва ижодкор зиёлиларнинг вакиллари КПСС Марказий Комитетининг декабрь ойида бўлиб ўтган ва Литва Компартиясининг XX съездидан кейин ЛКПдаги аҳволни, республикада вужудга келган умумий вазиятни муҳокама қилган Пленуми қатнашчилари билан учрашдилар. Вильнюсда ва Литванинг турли районларида ошкора суҳбат бўлди. Бундан мақсад коммунистлар кучларини жипслаштиришдан, турли жамоат ҳаракатлари нуқтаи-назарини диққат билан ўрганишдан иборатдир. Республика аҳолисининг кўпчилиги бугунги кунда литваликлар ҳиссиётига ва ўзаро шикоятга берилмай, балки реалликларга вазмин ёндашишлари, суверен иттифоқдош республикалар федерациясини янгилашга қаратилган турли тадбирларни амалга оширишлари зарур, деб ҳисобламоқда.

М. С. Горбачев аэропортдан тўғри Литва пойтахтининг В. И. Ленин номли майдонига йўл олди. Вильнюснинг минглаб аҳолиси майдонни тўлдирган эди. Шаҳарда об-ҳаво баҳордагидек. Ҳамма томонига ясси липа дарахтлари экилган чиройли хиёбон қордан тозаланган.

М. С. Горбачев йиғилганларнинг табрик хитоблари остида машинадан чиқади. У В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўяди ва сўнгра майдонда тўпланган аҳоли томон йўл олади.

Овоз: Диёримизга хуш келибсиз!

Овоз: Михаил Сергеевич, биз бу ерга келишингизни кутган эдик!

М. С. Горбачев: Мен ҳам сизлар билан учрашувни кутган эдим. Биз биргаликда бошлаган умумий ишимизни, у туфайли бутун дунё ҳаракатга келган ишни қай тариқа яхшироқ қилиш» тўғрисида биргаликда ўйлаймиз. Бутун турмушимизни қайта қура бошлаган, маънавий жиҳатдан яхшилаётган шундай пайтда, бир-биримизга кўп нарсаларни ошкора айтган пайтда, ўз мақсадимизни аниқ пухта тасаввур қилиш биз учун бугунги кунда қанчалик муҳим эканлигини таъкидлашни истардим.

Қишлоқ маданият уйининг директори **Виргилиус Зигмантовичюс:** Михаил Сергеевич, биз янгича фикрлаш тўғрисида кўп гапираяпмиз, ҳар ҳолда бу нима дегани, ўзи? Ахир бу сўзларни реал мазмун билан тўлдириш керак.

М. С. Горбачев: Сиздек ёш йигитни шу масала ўйлантираётганлигидан хурсандман. Чунки, бу амалда совет халқининг, мамлакатдаги барча халқларнинг тақдирига дахлдордир. Агар сиз ана шу саволларга тўғри жавоблар топишни истасангиз, мен бундан яна хурсанд бўламан. Келинг, жавобларни биргаликда излайлик ва вужудга келган вазиятни таҳлил қилайлик. Бу айни пайтда бизнинг биргаликдаги уй вазифамиз бўлади, деб ҳисоблаймиз, чунки майдонда биз бирданига барча саволларга жавоб қайтара олмаймиз.

Хуллас, биринчидан. Бизлар киммиз? Ҳар қандай республикада ва деярли ҳар қандай посёлкада турли миллатларнинг вакиллари яшайди. Айни пайтда, ҳатто литваликларнинг ялпи салмоғи энг кўп бўлган Литвада бари бир аҳолининг 20 фоизи худди шундай ҳуқуқларга эга бўлган кишилардир. Мамлакатимизда эса ҳозир 60 миллиондан ортиқ киши ўз миллий территориясидан ташқарида истиқомат қилмоқда. Мана энди сизнинг саволингизни қайтарамиз. Биз алоҳида бўламиз, дейлик. Унда ана шу кишиларнинг тақдири нима бўлади? Польшада ҳам шундай савол беришади, ГФРда ҳам Волгабўйи немисларининг тақдири тўғрисида сўрашади. Биз буни истаймизми, истамаймиз, ўзаро боғланганмиз. Бунинг устига бизлар ҳали федерацияда яшамадик. Биз унитар давлатда яшадик. Унда эса ўз реалликлари таркиб топди.

Овоз: Аммо буларнинг ҳаммасидан иқтисодиёт зарар кўрмоқда...

М. С. Горбачев: Биз ҳали бу мавзуга қайтамиз. Ҳозир эса инсон тўғрисидаги фикримизни давом эттирамиз. Биз одам ўзини яхшироқ ҳис қилиши ва ҳамма ҳам шундай бўлиши учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилишни истаймиз. Эслаб кўринг. Украинада рус тили тўғрисидаги масалани ўртага қўйишганида, бу бирданига кўплаб кишиларнинг манфаатларига дахлдор бўлди. Чунки Украинада 15 миллион руслар яшайди, бутун Донбасс, Харьковда асосан руслар яшайди, Қримда руслар 66 фоизни ташкил этади. Кўриб турибсизки, шиорларни ўртага қўйишдан аввал уни пухта ўйлаб кўриш лозим. Имзолар тўплаш ҳам вазиятдан чиқиш йўли эмас. Эстонияни олиб кўрайлик. Республикада истиқомат қилаётган аҳолининг 40 фоизи қадимдан славянлардир. Улар асрлар давомида шу ерда яшаб келди. Мана энди эса Эстонияда бошқа тилда гаплашувчиларнинг автоном райони деган гаплар пайдо бўлмоқда. Эстония эса қўққисдан Совет Иттифоқи таркибидан чиқиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйса, биз осонгина ажралишиб кетаверамизми? Бундай йўл талофотларга ва қон тўкишларга сабаб бўлиши мумкин.

Овоз: Бизда қон тўкилмайди...

М. С. Горбачев: Сизлар шошилмангиз, фикрлашув ҳалол, қалтис вазиятдан ҳоли, тирик организмни пичоқ ёки скалпель билан кесмайдиган тарзда бўлиши зарур.

Овоз: Совет Иттифоқининг ўзи қайта қурилмаётган бўлса нима қилиш керак?

М. С. Горбачев: Бу фикрингизга қўшилмайман. Биз қайта қуришда олға томон силжияпмиз. Шу муносабат билан қайта қуришнинг бошқа мавзуи — иқтисодиёт тўғрисида гапирмоқчиман. Биз ишлаб чиқариш кучларини унитар давлатдаги сингари ривожлантирдик ва жойлаштирдик. Бизда меҳнат тақсимоти шундай таркиб топдики, масалан, Ўзбекистон ҳаммамизга пахта етказиб бериш учун ўзининг бутун еридан фойдаланмоқда. У эса ўзининг суғориладиган ерларида сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши мумкин эди. Мана сизга ихтисослашиш. Энди эса сизларнинг «Сигма» бирлашмангизни олиб кўрайлик. Ўртоқлар, Литвада мамлакат учун ноёб бўлган бир қанча заводлар бор. Бу яхшими ёки ёмон эканлиги тўғрисида ҳозир гапириб ўтирмаймиз.

Мен сизларнинг ҳаммангизни ишонтириб айтмоқчиманки, деб давом этди М. С. Горбачев йиғилиш аҳлига мурожаат қилиб, биз бошлаган йўл кўпгина масалаларни: социализм, бутун жамият ва албатта федерация тақдирини, яъни иттифоқда яшовчи барча халқлар келажагини ҳал этишни ўз ичига олади. Бизнинг фикримизча, айни қайта қуриш шундай вазиятни вужудга келтирдики, бунда мана шу барча масалаларни осойишта ҳал этиш ҳамда орқангда ҳеч ким турмаганлигига ва эртага адабигни бериб, ҳамма нарсада сени айбламаслигига амин бўлишинг мумкин. Бу қайта қуришнинг дастлабки ва энг муҳим ғалабасидир: бугунги кунда биз барча масалаларни осойишта, масъулият билан, жиддий муҳокама қила оламиз. Тўғри, бунда сафсатабозлик, гиж-гижлашлардан холи бўлолмаяпмиз. Аммо, барибир асосий нарса устунлик қилмоқда, деб ўйлайман, яъни биз турмушимизнинг барча жиҳатларини ошкора муҳокама қилиш имкониятига эгамиз.

Бошқа томондан, қайта қуриш федерациянинг ўзи, одамларнинг кайфияти ўзгараётган пайтдагина яшаши мумкин. Эсингизда бўлса, биз ишни иқтисодий жадаллаштиришдан бошлаган эдик ва бу борадаги ишлар тўсиқларга дуч келаётганини кўрдик. Аввало сиёсий система масалаларини ҳал этиш зарурлиги аён бўлиб қолди ва биз уларни ҳал эта бошладик. Миллатлараро муносабатлар муаммоларини унутмаслик ғоят муҳимдир. Федерациянинг аҳволини, ҳар бир республика ва ҳар бир халқнинг аҳволини ўзгартириш йўли билангина миллий негиздаги муҳолифликка йўл қўймаслик мумкинлигига аминман. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, Эстонияда, Молдавияда адолатни тушунишдан озгина чекиниш вазиятнинг хатарли даражада кескинлашишига сабаб бўлди. Муносабатларимизда қандайдир совуқ шамол эса бошлаганлигини, эҳтимол, ўзларингиз ҳам ҳис этаётган бўлсангиз керак. Ахир биз қайта қуришни шунинг учун бошлаганмидик? Йўқ! Демак, федерацияда қайта қуришни шундай амалга оширайликки, унинг аҳамиятини ва барча республикалар, барча халқларнинг аҳволини пухта ўйлаб кўрайликки, ҳамма бундан ёмонлик эмас, балки яхшилик кўрсин.

Катта ёки кичик халқ эканлигидан қатъи назар ҳамма тенг ҳуқуқлидир. Халқ қанчалик кичик бўлмасин, унинг тақдирини назар-писанд қилмаслик ғоят хатарли ва истиқболсиз сиёсатдир, ўртоқлар. Ахир республикангиздаги қайси халқ бўлмасин белорусларми, поляклармми, украинларми — улар ҳам ўзлари туғилиб ўсган ва яшаб турган мана шу диёрда ўз фарзандларининг бахт-саодатли бўлишини ўйлашаётгандир. Мана шу заминда ҳамма нарса шу халқнинг иштирокида амалга оширилиши зарур. Агар халққа нимадир манзур бўлмаса, демак бошқа сиёсат тўғрисида, бошқа тадбирлар ҳақида ўйлаш керак. Одамлар заминда иқтисодиётдагина эмас, балки маданият, тил, сиёсий жараёнларда ҳам ўзларини соҳиблар деб ҳис этсинлар.

Федерациямизнинг янги қиёфаси ана шундай бўлиши лозим. Бу борада кенг сиёсий мустақиллик, шу пайтгача мисли кўрилмаган сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлидан бориш керак. Бундай мустақилликнинг чегараси биргина шундан иборат бўлиши керакки, у бутунлай ажралиб қолишга, маҳдудликка айланиб кетмасин, акс ҳолда, бу нарса жонли алоқаларга — инсоний, иқтисодий, ижтимоий, илмий алоқаларга путур етказади. Литва илгари қандай бўлганлигини кимлардир унутган кўринади. Ранжимангиз-ку, у фақат хуторлардан иборат бўлганлигини эслатиб ўтишга журъат қиламан. Бу халқингизни камситмайди, ўша пайтда бутун мамлакат деҳқон хўжаликларидан иборат эди. Мана энди замонавий Литвага назар ташланг. У тубдан ўзгарди. Аммо шу нарса равшанки, ҳар қандай бошқа халқ, умуман, мамлакат сингари республикани янада яшнатиш пайти келди. Келинглар, ана шунинг учун меҳнат қилайлик.

Яна бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман: революциягача Литвада чет эл сармояси 57 фоизни ташкил этар эди. Бизга эса мустақиллик тўғрисида жуда кўп гапиришмоқда. Билсангиз, бу бирмунча сафсатабозликдир. Одамлар ранжишмасин-ку, яна фактларга қайтаман. Мустамлакачилик системаси барбод қилиниб, кўпгина давлатлар сиёсий мустақилликка эга бўлгандан кейин орадан 40 йил ўтди. Аммо амалда улар мустақил бўлмадилар ва мустақил эмаслар. Улар қўшимча ҳом ашё манбаи бўлиб келдилар ва ҳозир ҳам шундайдирлар. Ресурсларни арзон нархларда сотиб олмоқдалар ва ишчи кучдан арзон нархда фойдаланмоқдалар. Метрополияларда эса юксак турмуш даражаси таъминланмоқда. Демак, кимдир бугун мамлакатимизда алоқани узишни, қайсидир республикани, кичик халқни гирдобга ташлашни истаса, ўртоқлар, мен бундай сиёсатда қатнашмайман. Мен ўзим амин бўлган — жиҳатларни исботлайман. Биз иттифоқимиз тўғрисида пухта ўйлаб кўришимиз керак. Бу Россия учун ҳам, Литва учун ҳам, Украина учун ҳам, Арманистон учун ҳам муҳимдир. Мамлакатнинг ҳозирги раҳбарияти ҳам, келгусидаги раҳбарияти ҳам шу ҳақда ўйлаши керак бўлади.

Овоз: Михаил Сергеевич, Компартия тўғрисида ҳеч нарса демадингиз.

М. С. Горбачев: Компартия тўғрисида гапирадиган бўлсам, агар биз интеграция, кооперация жараёнларини сақлаб қолган ҳолда федерацияни янгилаш асосида қайта қуришнинг мураккаб масалаларини ҳал этиш мумкин деб билсак, агар биз иқтисодий, интеллектуал ҳамкорликнинг янги йўлларини изласак, бутун жамиятни, мамлакатни маҳаллийлаштиришда партия жипслаштирувчи, янада қудратли куч бўлиб қолади, бу фақат Литвагагина таалуқли эмас. Партия барча жараёнларни пухта идрок этиши ана шу мақсадларга эришиш учун одамлар манфаатларини бирлаштириши зарур. Шунинг учун мен, сўзсиз, кенг кўламдаги мустақиллик тарафдориман. Масала етилди. Биз январь ойида партия муҳокама қиладиган дастурий ҳужжатимизда кўпгина янги фикрларни баён этамиз. Хуллас, мен КПСС доирасида ғоят кенг кўламдаги мустақиллик тарафдориман.

М. С. Горбачевнинг В. И. Ленин номли майдонда, Т. Шевченко кўчасида Вильнюс аҳолиси билан ошкора суҳбатлари бир соатдан кўпроқ давом этди. Сўнгра у ёқилғи аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмасига йўл олди. Мазкур корхона маҳсулоти яхши маълум бўлиб, уни мамлакатнинг кўпгина тракторозлик конвейерларида кутишмоқда. Корхона коллективи кўп миллатли: поляклар 30 фоизни, литваликлар 29 фоизни, руслар 20 фоизни ташкил этади, белоруслар ва бошқа миллатларнинг вакиллари ҳам анчагина. Уларнинг ҳаммаси ўз корхонаси ишларидан, Литвада вужудга келган мураккаб вазиятдан баббаравар ташвишланмоқдалар.

Бош секретарнинг ана шу корхонада бўлиши, у қаерга бормасин, одамлар билан учрашувлар ва суҳбатлар унинг сафарида энг муҳими эканлигининг яна бир далили бўлди. У ишчилар, инженерлар билан астойдил ва ғоят манфаатдорлик билан мулоқотга киришди, уларнинг фикрини, берган саволларини эътибор билан тинглади. Ўз нуқтаи назарини қаттиқ туриб ҳимоя қилди, изоҳлаб берди, баҳслашди. Шунинг учун бўлса керак, одамлар билан мулоқотга берилиб, афтидан, вақтни унутди. Сафар жадвали бузилди. Лекин бу иккала томон учун фойдали бўлди.

Михаил Сергеевич завод дарвозасидан кириши биланоқ, уни бу ерда тўпланганлар қарсаклар ва табрик сўзлари билан кутиб олдилар, уларнинг ҳузурига келганлиги учун миннатдорчилик изҳор қилдилар. М. С. Горбачев ёқилғи насосларини йиғиш ва механика цехларини айланиб чиқди. У ишчилардан Т. Тумас, Л. Адамович, И. Миллем, С. Смола, В. Гражданов ва бошқалар билан суҳбатда меҳнат, турмуш шароитлари касб-кор жиҳатдан ўсиш имкониятлари, маънавий вазият, миллий муносабатлар тўғрисида фикрлашди. Ҳамсуҳбатлар орасида латишлар, поляклар, белоруслар, русларнинг вакиллари бор эди. Бу эса мана шу корхона ва умуман республикадаги бошқа меҳнат коллективларига хос хусусиятдир. Литва — кўп миллатли республикадир. Миллатлараро адоват авж олишига, шовинистик кайфиятлар кучайтирилишига йўл қўйиб бўлмаслиги, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар республикадаги барча аҳолининг дўстлиги ва жипслиги Литванинг қайта қуриш йўлидан муваффақиятли олға боришининг гарови эканлиги тўғрисида гапирилди.

Суҳбатлардан бирида ўз фикрини баён этган А. Бразаускас туб миллатга мансуб бўлмаган бир қанча ишчи аёлларнинг келгусидан ташвишга тушаётганликларига шундай жавоб қайтарди: «нимадан ташвишланасизлар? Кўриб турибсизларки, қайси миллатга мансуб бўлмасин, бирорта киши оз бўлсада озор чекишига йўл қўймай яшамоқдамиз». Иш Тоғли Қорабоғдаги қон тўкишлар даражасига бориб етмади ва ундай бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас, деб мавзуни давом эттирди завод меҳнаткашларидан бири поляк И. Ивашкевич, аммо одамлар республикадаги ажралиб чиқиш кайфиятлари литваликлар билан республикадаги бошқа миллат вакиллари ўртасидаги муносабатларда совуқчилик вазиятини юзага келтирганлигини айтдилар.

Хавотирлик, афтидан, республикадаги вазият ўзгараётганлиги тўғрисидаги фикрлар билан боғлиқ бўлса керак, деди М. С. Горбачев. Вазиятни мушкуллаштириш эмас, балки қай тариқа яхшилаш тўғрисида биргаликда ўйлаш лозим.

М. С. Горбачевнинг ҳамсуҳбатлари Литвани, умуман иттифоқни бундан буён ривожлантириш йўлларини у қандай тушунаётганлигини шахсан унинг ўзидан эшитишни истардилар. М. С. Горбачев кўпгина саволларга жавоб қайтарди. Аммо заводнинг маданият уйи залини лиқ тўлдирган меҳнат коллективи вакиллари ҳузурида сўзлаган нутқида ана шу масалаларни янада кенг ва тўла-тўкис ёритиб берди.

Кечқурун М. С. Горбачев Матбуот уйида республиканинг ижодкор ва илмий зиёлилари вакиллари билан учрашди.

САЙЛОВ ДАВРИ

«Сайлов даври: КПССнинг маҳаллий комитетлари халқ депутатлари Советларини тузишнинг янги сиёсий вазиятида» номли китоб босилиб чиқди. Китобда СССР халқ депутатлари сайловининг бутуниттифоқ тадқиқоти натижалари таҳлил этилади, маҳаллий ҳокимият органларига сайловнинг ўзига хос хусусиятлари таърифланади, бу сайловни илмий-ахборот билан таъминлашга оид бир қанча дастурлар ва тавсиялар таклиф қилинади.

Китоб маҳаллий партия комитетлари ва совет идораларининг ходимлари ҳамда активларига, Олий партия мактабларининг муаллимлари ва тингловчиларига, социологларга, мазкур муаммоларга қизиқувчи барча кишиларга мўлжалланган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

Вильнюс. 11 январь. В. И. Ленин номли майдонда учрашув.

ТАСС сурати.

Совет Иттифоқи— умумий хонадонимиз

● РСФСР

● ЛИПЕЦК области. Елецкдаги медицина ускуналари заводида янги технология ва материалларни қўлланиш асосида кўзойнаклар учун гардишлар тайёрланмоқда. Ўтган йили 8 миллион дона кўзойнак ишлаб чиқарилди. Бу ундан аввалги йилдагидан миллионта кўп, демакдир. Корхонада тажриба цехи ҳам бўлиб, у ерда якка буюртмалар асосида кўзойнаклар ишлаб чиқарилади.

Суратда: тажриба цехининг усталари (чапдан-ўнгга) Марина Чурсина, Александра Зотова, Елена Путятова, Галина Фаустова ва Надежда Морозовалар.

● Украина ССР

● ИВАНО-ФРАНКО области. Шаҳардаги «Карпатагропроммаш» заводи конструкторлари «Агро-1» деб аталмиш мўъжаз тракторни яратдилар. У кузовли самосвалда бўлиб, дала ҳовлиларда, узумзорларда, ёрдамчи хўжаликларда ишлатишга мўлжаллангандир. Трактор ер ҳайдаши, борона қилиши, тупроқни юмшатиши, дарахтларга дори пуркаши, ўт ўриши, юкларни ташиши мумкин.

Суратда: «Агро-1» ижодкорлари Н. Мельничук, В. Талат ва йиғувчи слесарь Н. Мироник ўз машиналари олдида.

● Белоруссия ССР

● ЧЕРНОБИЛЬ АЭСида рўй берган авария туфайли азият чеккан районлардаги болаларга республикадаги энг яхши санаторийлардан бири «Аксаковшина» берилди. Бу шифохона республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг 4-бошқармасига қарашли бўлиб, эндиликда у бинодаги барча табобат ускуналари комплекси билан биргаликда Белоруссияда ташкил этилган радиация медицинаси илмий-тадқиқот институти ихтиёрига ўтказилди.

Болалар бу ерга Хойник, Чечерск, Славгородск районлари ва бошқа районлардаги даволаш муассасаларининг йўлланмаси билан келадилар. Улар клиникада бўладиган даврларида ҳар томонлама текширувдан ўтадилар, даволанадилар, уйларига қайтгач эса мутахассислар назорати остида диспансер ҳисобида турадилар.

Институт коллективи беморларни оғир дарддан халос қилиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда.

● Арманистон ССР

● ШИРАКАМУТ. 1988 йил декабрида юз берган даҳшатли зилзилада бу мўъжазгина тоғ қишлоғи ҳам қаттиқ шикастланди. Ҳозир қардош республикалар бинокорлари кўмагида у ҳам ўз қаддини аста-секин ростлаб боряпти.

Суратда: краснодарлик бинокорларнинг Ширакамут қишлоғида бунёд этаётган посёлкаси.

● Эстония ССР

● ТАЛЛИНН. Яқинда Эстония пойтахтида модалар фестивали ўтказилди. Унда Москва, Ленинград, Латвия, Литва, Белоруссия, Ўзбекистон, Молдавия ва Эстониядан келган 118 нафар модельер рассом иштирок этди. Улар анжуман ҳайъати ва томошабинлар ҳукмига кийим-кечакларнинг 156 та хилини тақдим этдилар. Фестиваль ранглар ва фантазиянинг ҳақиқий байрамига айланиб кетди.

Суратда: саҳнада Минск модалар уйининг вакиллари.

ТАСС суратлари.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбек реалистик насрининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий (Жулқунбой) қисмати фожиали бўлди. У сталинча қатағон даврининг қурбони бўлган эди, эндиликда ёзувчи кўпмиллатли совет адабиётида мўътабар ўринни эгаллаб турибди. Ўзбек тарихий романнавислигини биринчи бўлиб бошлаб берган санъаткорнинг исм-шарифи ва ижоди китобхон ва халқнинг бебаҳо бойлигига айланди. Унинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари неча ўн марталаб нашр этилди, мамлакатимиздаги кўпгина қардош халқларнинг тилларига таржима қилинди, чет элларга ҳам ёйилди, ҳануз адабиётшунослар ва ўқувчиларнинг меҳрини қозониб келмоқда. 12 январь куни ёзувчининг 95 йиллигига бағишлаб Тошкентда бўлиб ўтган тантанали кеча ҳам Абдулла Қодирий ижодининг умрбоқийлигидан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси правлениесининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Одил Ёқубов адибнинг ижодий мероси, унинг ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида доклад қилди. У Абдулла Қодирий воқеликни теран акс эттирган, Октябрь инқилоби даврини қуйлаган забардаст ва ўзига хос романнавист бўлганлигини таъкидлади.

Кечада сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, «Советский писатель» нашриётининг вакили А. О. Тамм, тожик адабиётшуноси, филология фанлари доктори А. Сайдуллаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б. А. Назаров, «Муштум» журналининг бош муҳаррири Н. Аминов, ёзувчининг ўғли Маъсуд Абдуллаев ва бошқалар Абдулла Қодирий, Авлоний, Айний, Ҳамза, Зиё Саид ва бошқа сўз санъаткорлари билан биргаликда ўзбек совет адабиётининг пойдеворини бунёд этганини таъкидлашди. Бу адибларнинг ҳар бири ўзбек адабиётида муносиб ўрин эгаллаб турибди ва уларнинг ижодий мероси адабиётимизнинг олтин фонди бўлиб қолди.

Қодирий ижоди шоирлар ва адибларнинг кейинги авлодларига ҳам баракали таъсир этди. Абдулла Қаҳҳор, Мухтор Авезов, Берди Кербобоев ва кўпмиллатли совет адабиётининг бошқа машҳур намояндалари истеъдодли санъаткорнинг ижодига юксак баҳо берган эдилар. Абдулла Қодирий ўз асарлари билангина эмас, ноёб фазилатлари, ҳаётга муносабати, инсонийлиги билан ҳам ёш авлодга намунадир. Эндиликда Тошкент кўчаларидан бири улуғ ёзувчининг номи билан аталмоқда, Абдулла Қодирийнинг уй-музейини очиш ҳақида ҳам қарор қабул қилинди.

Кечада Ўзбекистон санъат усталари концерт қўйиб беришди.

Юбилей кечасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳамидов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари У. Р. Умарбеков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Рўйхатга олинмоқда

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови бошланадиган кунгача бир ойдан сал кўпроқ вақт қолди. Шу кунларда номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда. Улар орасида қайта қуришнинг мураккаб масалаларини ҳал этишлари лозим бўладиган ишчи ва деҳқонлар, халқ хўжалиги барча соҳаларининг малакали мутахассислари, партия ва совет ходимлари, фан ва маданият арбоблари бор. ЎзТАГ мухбирлари сайлов округларида номзодлар рўйхатга олинаётганини хабар қилмоқдалар:

44-Чоштепа сайлов округидан — Ўрта Осиё темир йўли йўловчилар хизматининг бошлиғи Ғ. З. Заҳриддинов ва граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасига қарашли ЯК-40 самолёти экипажининг командири В. В. Беседин.

* * *

136- Чинобод сайлов округидан — Андижон область Балиқчи районидаги 39-ўрта мактаб ўқитувчиси С. Содиқов.

* * *

268-Ўн ҳаёт сайлов округидан — Наманган область Уйчи районидаги Ленин номли колхоз раиси Н. Абдуллаев ва Уйчи шойи тўқиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори В. Қаҳҳоров.

* * *

335-Шеробод сайлов округидан — Сурхондарё областидаги Н. Муродов номли совхоз директори Ш. У. Беккелдиев.

* * *

380-Боёвут сайлов округидан — Сирдарё областидаги Руцкий номли совхознинг бригада бошлиғи Ф. Н. Мирзаева.

* * *

397-Октябрь сайлов округидан — Фарғона политехника институтининг ўқув ишлари бўйича проректори М. М. Муҳиддинов, Фарғона область касаба союзлари кенгаши раисининг ўринбосари В. У. Хўжаев, Фарғона педагогика институтининг ректори А. А. Абдулҳамидов, 51-йўл ремонт-қурилиш бошқармасининг бошлиғи К. Ан, Фарғона пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригада бошлиғи Р. А. Шокиров ва «Облшвейтрикотажбит» бирлашмасининг директори К. А. Йўлчиева.

* * *

471-Аваз Ўтар сайлов округидан — Хоразм область Янгиариқ районидаги Аваз Ўтар номли колхознинг полизчилик бригадаси бошлиғи О. Ҳудойберганов ва Янгиариқ район партия комитетининг биринчи секретари Э. Ҳакимов.

* * *

493-Октябрь сайлов округидан — Хўжайли ип йигириш-тўқиш фабрикасининг йигирувчиси Г. У. Ўрозбоева ва Хўжайли халқ истеъмоли моллари фабрикасининг смена мастери Н. Т. Худойберганова рўйхатга олиндилар.

* * *

1-Саноат сайлов округидан — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг радиомонтажчиси Е. П. Антонова.

* * *

159-Қўқонқишлоқ сайлов округидан — «Андижаноблагропромстрой» трестининг 114-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи Э. Тўлашов.

• Номзодлар ҳақида ҳикоялар

ТАШАББУСНИНГ ТУҒИЛИШИ

НАВОИЙ ШАҲРИДА АҲОЛИ ИСТИҚОМАТ ЖОЙЛАРИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНАЁТГАН ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ КОМИТЕТЛАРИ КЎПГИНА СОЦИАЛ МУАММОЛАРНИ ТЕЗ ҲАЛ ҚИЛИШГА ИМКОН БЕРМОҚДА.

«СИЁСАТ ЧОРПОЯСИ»

Ишдан ҳориб қайтган Убайд ака энди ўтирган ҳам эдики, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Чиқса, икки нотаниш аёл турибди.

— Бевақт безовта қилганимиз учун узр, «домком» сифатида сизга мурожаат қилгани келдик, — деди, уларнинг бири сўрашиб бўлгач.

— Қанақа «домком», — деди Убайд ака ҳайрон бўлиб. — Бу ерда ҳеч қандай «домком» яшамайди.

У шундай деб хайрлашган бўлди-да, эшикни ёпиб хонага қайтди. Фурсат ўтмай қўнғироқ яна жиринглаб уни йўлидан қайтишга мажбур қилди.

Эшикда яна ўша икки аёл турарди.

— Ишдан чарчаб келганман, дам олаётгандим, — деди у норози оҳангда.

— Кечирасиз, — деди хижолатдан қизариб Валентина Васильевна, — мен қўшнингиз бўламан. Дугонам Наила Пармонова эса ёнимиздаги уйда яшайди. Бир масала юзасидан уйжой бошқармасига киргандик, «домком» сифатида сизга мурожаат қилишни тавсия этишди.

— Ахир, мени ҳеч ким домком қилиб сайламаганку, — елка қисди Убайд ака.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Сизни уйимиздаги энг фаол киши сифатида таниймиз. Айрим масалалар ҳақида маслаҳатлашиб олмоқчимиз.

Убайд ака қўшниларни хонага таклиф қилди. Икки ўртада узоқ суҳбат бўлиб ўтди, у ҳордиқ чиқариш ниятини ҳам унутиб юборди.

Уй-жой бошқармасида бу икки аёлга унинг адресини беҳуда беришмаган эди. Ўнинчи микрорайондаги уйларга оилалар кўчиб кириши билан у кўпчиликнинг назарига тушиб қолди. Ҳаммаси унинг ташаббуси билан уй ёнидаги майдончада нари-бери ясаб қўйган чорпоясидан бошланди.

Шаҳар чеккасидаги атрофи яйдоқ чўл бўлган микрорайонда ишдан кейин нима ҳам қилади киши. Ёзнинг узун оқшомларида атроф уйларда истиқомат қиладиган навоийликлар чорпоя атрофида тўпланадиган одат чиқаришди. Суҳбат аста-секин латифалардан сиёсий мавзуларга кўча бошлади. Бундай суҳбатларни баҳс-мунозарасиз тасаввур қилиш қийин. Мунозараларнинг бошида эса Убайд ака турарди. У катта оркестрни бошқараётган дирижёрдек ўзаро тортишувни тўғри ўзанга солар, партия сиёсатини «ўнг» ва «сўл» томонлардан бўладиган ҳужумлардан ҳимоя этарди.

Шундай қилиб, СССР халқ депутатларининг биринчи съезди ўз ишини давом эттирган кунларда Убайд аканинг чорпояси қайта қуриш чорраҳасининг қоқ ўртасига қўйилгандек бўлди. Микрорайонда яшовчи айрим аскиябозлар кўп ўтмай унга «Сиёсат чорпояси» деб ном беришди.

КОМИТЕТ ИШГА КИРИШДИ

Табиийки чорпоя атрофидаги суҳбатлар ўз-ўзидан микрорайондаги социал муаммоларга келиб тақалди. Янги уйларга кўчиб кирган аҳоли бу қийинчиликлардан роса эзилмоқда эди. Бутун бир микрорайонда яшайдиган 6,5 мингдан зиёд киши ҳатто нонни ҳам шаҳар марказидан олиб келишга мажбур. Йўлкалар ағдар-тўнтар, на бир магазин, на бир маиший хизмат устахонаси бор. Ҳатто милиция таянч пункти ҳам йўқ, безорилик авжига чиққан.

Эркаклар чорпоя атрофида йиғилиб маҳаллий маъмурларнинг «пўстагини қоқиш» билан кўнгилларини бўшатишарди. Четдан туриб бу эҳтиросли «суҳбат»ларни эшитган аёллар эса бунга амалий тус беришга аҳд қилишди. Ахир, ҳаммадан кўра уларга қийин эдида. Шунинг учун ҳам улар ўз ўрталаридан Валентина ва Наилани маслаҳат учун Убайд ака ҳузурига жўнатишди.

Унинг квартирасида икки ўртада бўлиб ўтган суҳбат марказий шаҳарлардан ибрат олиб микрорайонда ўз-ўзини бошқариш комитетини тузиш тўғрисидаги хулоса билан тугади.

Орадан бир неча кун ўтгач, микрорайон аҳолисининг вакиллари яна чорпояда йиғилиб шундай комитетни расмий тарзда тузишди. Унинг составига Убайд Авулов, Валентина Петухова, Наила Пармонова, Екатерина Белугина, Ўктам Мамажонов, Нурмуҳаммад Алхамов, Александр Ким, Николай Копилов ва бошқа фаоллар киритилди.

Комитет биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар мундарижасини тузиб чиқди. Бу тадбирларни маҳаллий маъмурлар ёрдамисиз ижро этиб бўлмасди, албатта. Улар комитетнинг навбатдаги йиғилишига расмий тарзда таклиф этилдилар.

Бироқ шаҳар раҳбарларини чорпоя атрофига йиғиш одобдан эмас. Тошкент политехника институтининг шу микрорайондаги аудиториялардан бирини шу мақсадда фойдаланишга келишилди. Комитет йиғилишига шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Горностаев барча раҳбарларни бошлаб келди. Йигирма банддан иборат бўлган тадбирлар мундарижасининг ҳар бир бандини бажариш учун масъул раҳбар ҳодим белгиланди. Микрорайонда иш қизиб кетди. Бу ишларни шу микрорайонда ишчи-хизматчилар яшайдиган корхона ва ташкилотлар бажаришга киришдилар.

Бизни ҳам комитетнинг навбатдаги йиғилишига таклиф этишди. Соат ўн тўққизда шаҳар партия комитетининг секретари О. Сашина бу ерга шаҳар Совети ижрокоми раисининг ўринбосарлари М. Богачев, Б. Ҳамдамов, нон комбинати директорининг ўринбосари Л. Макеев, 79-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Б. Беляев ва бошқа мутасадди раҳбарларни ҳам бошлаб келди.

Улар комитет белгилаган тадбирлар бажарилишининг бориши тўғрисида аҳоли олдида ахборот беришди. Сирасини айтганда бу ахборотсиз ҳам қилинган ишлар кўзга кўринib қолган эди. Микрорайонда озиқ-овқат магазини, сабзавот дўкони, бўш идишларни қабул қилиш пункти ишлай бошлади. Милиция таянч пункти очилди, болалар клуби фаолият кўрсатишга киришди. Йўллар тартибга келтирилиб, автобус қатнови бошланди.

Раҳбарлар берган ахборотга кўра, сартарошхона, пойабзал ремонти устахонаси, омонат кассаси очилиш арафасида, комитет ўтказадиган тадбирлар учун турар-жойлардан бирининг ертўласи махсус жиҳозлантирилмоқда. Ленинграддан таклиф қилинган меъморлар микрорайонга туташиб кетадиган боғда барпо қилинадиган муҳташам чойхона лойиҳасини тузишга киришганлар. Унда тўю-маъракаларни ўтказиш учун барча шароитлар кўзда тутилади.

Йиғилиш пировардида комитет раиси Убайд Авулов сўз олиб, жамоатчилик белгиланган тадбирлар бундан кейин ҳам изчил амалга оширилиши қатъий назорат остига олинишини айтди. Бу эса комитет микрорайон аҳолиси учун мавжуд қулайликларни яратмай тинчмаслигидан далолат берарди.

Йиғилишдан кейин биз Убайд ака билан узоқ гаплашдик. Суҳбатдошимиз комитет келгусида амалга оширишни кўзда тутаётган тадбирлар тўғрисида эҳтирос билан гапирди. У «Средазэнерго» бошқармасида меҳнат қилади. Навоий ГРЭСи энергетика блокларининг бир маромда ишлаши у каби ишбилармон ремонтчиларга боғлиқ. Чорак асрлик партия стажига эга бўлган коммунист бошқарма бошлиғич партия ташкилоти секретари ҳамдир.

Илгари ишчан, гапга чечан бу кишини раҳбарлар унчалик ёқтиришмасди. У ҳам ўз навбатида лоқайд, нўноқ ходимларни ҳеч қачон аяб ўтирмаган. Қайта қуриш бундай фаол ҳаётий позицияга эга бўлган кишиларнинг фикри билан энди ҳисоблашишга мажбур қилмоқда.

Биз Навоийда бўлишимиздан бир неча кун муқаддам ўнинчи микрорайонда ўзига хос байрам бўлиб ўтибди. 98-сайлов округи бўйича шаҳар Совети депутатлигига аҳоли истиқомат жойидан депутатликка номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишга икки юздан зиёд киши тўпланди. Комитетнинг ташаббуси билан сайловчилар учун кўчма савдо ташкил қилинди, майдон узра шўх куй-қўшиқлар янгради.

Микрорайонликлар депутатликка иккита номзод кўрсатишди. Уларнинг бири шаҳар ижрокоми масъул ходими С. Норматова бўлса, иккинчиси У. Авулов бўлди. Биринчи номзод 26 овоз олган бўлса, иккинчи номзод 176 овоз олди. Сайлов округи депутатликка номзод У. Авуловнинг сайловчилар билан учрашувини ташкил қилишига ҳожат қолмаган. Шундай ҳам у деярли ҳар куни сайловчилар билан юзма-юз.

ТАЖРИБА ОММАЛАШУВИ БИЛАН ҚИММАТ

Навоий шаҳрида бундай ўз-ўзини бошқариш комитетлари сони тобора кўпаймоқда. Ҳозир улар шаҳарнинг 3-, 6-микрорайонларида, «Спутник», «Тинчлик», «Строитель», «Комсомольск» посёлкаларида фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳар партия комитети аҳоли истиқомат жойларидаги бундай уюшмалар фаолиятига умумий раҳбарликни ўз қўлига олган. Комитетларнинг кўпчилик йиғилишларида шаҳарком секретарлари, бўлим мудирлари иштирок қилмоқдалар. Комитетлар қўяётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича конкрет тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ишга шаҳардаги саноат, қурилиш, транспорт корхоналарининг коллективлари кенг жалб этиляпти.

Тажриба бошқа шаҳар ва районларга ҳам кўчяпти. Чунончи, Навоий районидаги «Нарпай» совхози бўлимларининг бири жойлашган «Бўстон» қишлоғида яқинда шундай комитет ташкил қилинди. Унинг ташаббускори шу қишлоқда яшаб Навоийда ишлаётган ишчи-хизматчилар бўлишди. Қишлоқдаги социал масалаларга эътиборнинг йўқлиги, «Бўстон» исми жисмига мутлақо номуносиб қишлоқ эканлиги уларни шундай йўл тутишга мажбур қилди.

Бухоро областида, қолаверса бутун республикада қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқларда ўткир социал муаммолар бор. Ўз-ўзини бошқариш комитетлари бу муаммоларни ҳал қилишга амалий тус бериши шубҳасиздир.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Марказий сайлов комиссиясида

11 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди, мажлисни комиссия раиси Т. Х. Собитов бошқариб борди.

Комиссия аъзолари Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш қандай бораётгани ҳақида хабардор қилинди. 10 январгача 173 округда депутатликка 342 номзод рўйхатга олинди. Уларнинг орасида турли миллатларга ва ижтимоий гуруҳларга мансуб, турли ёшдаги граждан лар, коммунистлар, партиясизлар бор. Рўйхатга олиш тугашига оз вақт қолганлиги, сайлов комиссиялари номзодларни рўйхатга олишни пухтароқ ташкил этишлари зарурлиги таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси Самарқанд областидаги сайлов округларида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига тайёргарлик қандай бораётганлигини кўриб чиқди. Бу ерда сайловолди кампанияси Ўзбекистон ССР Конституциясининг қоидаларига ва сайлов тўғрисидаги янги қонунларга мувофиқ ўтаётганлиги таъкидланди. Бу кампанияда область аҳолиси фаол иштирок этмоқда. Меҳнат коллективлари конференциялари ва йиғилишларида ҳамда истиқомат жойларида жамоат ташкилотларининг органлари Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига 56 округдан 215 номзод кўрсатдилар.

Шу билан бирга сайлов комиссияларининг депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш натижалари тўғрисида аҳолини хабардор қилиб бориш, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ўтказиш, сайловолди агитацияси ишида камчиликлар мавжуд. Округ сайлов комиссияларига, Самарқанд область ижроия комитетига эътиборни барча сайловолди тадбирларни, шунингдек, сайлов куни овоз бериш сифатли ўтишини таъминлашга қаратиш тавсия этилди.

Республика комсомол ташкилотларининг ёш сайловчилар ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар билан иши тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сайловолди кампанияси давомида ёши 30 га етмаган 111 киши депутат мандати учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Комсомол комитетларига сайлов тўғрисидаги Қонун қоидаларини тушунтириш юзасидан ёш сайловчилар орасида олиб бориладиган ишни кучайтириш, сайлов кампаниясида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш тавсия этилди.

Мажлисда Тошкентдаги участка сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик иши муҳокама қилинди. Район ижроия комитетлари 625 та сайлов участкасини тузганлиги айтиб ўтилди. Кўпгина комиссиялар сайловолди фаолиятини кучайтириб юбордилар. Лекин бир қанча ҳолларда турли техник масалалар суст кашлик билан ҳал қилинмоқда. Шаҳардаги маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ишни ташкил этишда участка комиссияларига ҳамиша ҳам амалий ёрдам бермаётир. Тошкент шаҳар ижроия комитетига мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан узил-кесил чоралар кўриш, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун қоидаларини, сайлов куни овоз бериш тартибини кенг тушунтиришга, участка комиссияларининг нормал фаолияти учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор бериш тавсия қилинди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг корхоналар сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини босиб чиқаришга тайёрлиги тўғрисидаги ахборотини маълумот учун қабул қилди ва манфаатдор идоралар билан биргаликда сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг ўз вақтида тайёрланиши юзасидан зарур чораларни кўришни топширди.

Қонунга мувофиқ овозга қўйилган депутатликка номзодлар сони турлича бўлган ҳоллар учун Ўзбекистон ССР халқ депутатларини сайлови юзасидан сайлов бюллетенининг шакли белгилаб қўйилди.

Комиссия мажлисида гражданларнинг, меҳнат коллективларининг бир қанча аризалари кўриб чиқилди. Бу аризалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров қатнашди.

(ЎзТАГ).

Дунё овози

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

МАНИЛА. Филиппин президенти Корасон Акино мамлакатни иқтисодий таңгликдан олиб чиқиш ва Филиппин аҳолиси орасида қашшоқликни тугатиш юзасидан маъмурият фаолияти программаси баёни қилинган махсус ҳукумат меморандумини имзолади.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ мамлакатнинг етакчи министрликлари ва маҳкамалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, аграр ислоҳат ўтказилишини тезлаштиришга, транспорт ва алоқа воситалари ишини яхшилашга, маориф ва медицина хизмати сифатини оширишга, ялпи турар-жой қурилишини кенгайтиришга қаратилган батафсил таклифларни зудлик билан ишлаб чиқишлари ҳамда президентга тақдим этишлари лозим. Шу билан бирга, Акино ҳозирги пайтда мамлакатда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳарбий ва граждан маъмурлари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, бюрократизмга қарши курашни кучайтириш ўзи бошчилик қилаётган маъмуриятнинг энг муҳим мақсадлари эканлигини уқтирди.

ТОКИО. Ер жуда қимматлиги туфайли Токиодаги турар-жойга муҳтож оилаларнинг 13 фоизигина уй сотиб олиш имкониятига эга. Токиодаги ўз уйига эга бўлишни истовчиларнинг 23 фоизи квартирани ижарага олмасдан, уни сотиб олишга қодир. Бу маълумотлар иқтисодий планлаштириш бошқармасининг Япония пойтахтида эълон қилинган докладида келтирилган.

Токио ёки Осака ва Нагоя каби йирик шаҳарларда шахсий уй қуриш ўртача 19, 3 миллион иенга тушади. Уз уйига эга бўлишга интилаётган токиоликларнинг ярми ўзига уй қурдира олган бўларди, лекин уларда ер участкаси сотиб олишга пул йўқ. Қандай бўлмасин уй сотиб олишга аҳд қилаётган японияликлар эса уй-жой қурилиши учун қарз берадиган корпорациялар хизматидан фойдаланяптилар.

БОННН. Ҳайдовчиларнинг жиноятқорона енгилтаклиги катта тезликда юрилиб, Мангейм-Нюрнберг автомобиль йўлининг Баден-Вюртемберг ўлкасидан ўтувчи қисмида жуда катта автомобиль ҳалокати юз беришига сабаб бўлди.

Қалин туман тушиб, ер музлаган шароитда икки машина тўқнашиб кетди. Ҳайдовчилар бошқара олмай қолганлиги туфайли саноқли дақиқалар мабайнида ўттизта автомобиль, шу жумладан 11 та оғир юк машинаси ўзидан олдинги машиналарга бирин-кетин урилиб, жуда катта тиқин ҳосил бўлди. Оқибатда 6 киши ҳалок бўлди ва йигирмадан кўпроқ одам жароҳатланди.

ПЕКИН. ХХР Давлат Кенгашининг Раиси Ли Пен Хитой телевиденеси орқали гапириб, Пекиннинг айрим районларида 11 январдан бошлаб ҳарбий ҳолат бекор этилишини эълон қилди. Ҳарбий ҳолат ўтган йилнинг 20 майида пойтахтда студентларнинг галаёнлари авж олган кезда «тартибсизликларга барҳам бериш ҳамда жиноят тартибини ва хавфсизлигини сақлаш учун» жорий этилган эди.

ТАСС.

СИНОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Айни кунларда республикамизнинг миришкор чорвадорлари қишловни намунали ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо янги йилнинг бошларидан тушган қаттиқ совуқ, қалин қор ёғиши чорвадорлар учун анча қийинчилик келтирди.

Сирдарё область Бахмал районидаги «Партия XXIII съезди» совхози сут-товар фермаси коллективи қишловга пухта ҳозирлик кўрганди. Турли-туман дағал-хашак, доривий витаминли озуқалар тайёрланиб, қишлов жойларига келтириб қўйилди. Шунинг учун ҳам қиш совуғи билинмаяпти. Сигирларнинг маҳсулдорлиги ҳам юқори. Бу ерда ўтказилаётган социалистик мусобақа унумдорликни янада оширишга ёрдам беряпти. Меҳнат беллашувида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Янглиш Дўстёрова пешқадамлик қилмоқда. У ўтган йили ўз боқимидаги 17 бош сигирнинг ҳар биридан 2600 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олганди. Давлатга пандаги 42 тонна ўрнига 45 тоннадан зиёд маҳсулот етказиб берди. Айни кунларда пешқадам соғувчи боқимидаги сигирларни сервитамин озуқалар билан парвариш қилиб, улардан мўл сут соғиб олмоқда.

Суратда: пешқадам сут соғувчи Янглиш Дўстёрова.

У. Қўшвоқов сурати.

• *Маънавият масалалари*

ҚАЙТА ҚУРИШГА АМАЛИЙ ИШ КЕРАК

Қайта қуриш шарофати билан совет воқелигининг барча жабҳалари бўйича очиқ ва беғараз нуқтаи назарларни билдириш, баҳсларда фикрлар хилма-хиллиги воқелик бўлиб қолди. Бу баҳсларда социалистик тузум, унинг мавжуд бошқариш системаси, партия ва В. И. Ленин, марксизмнинг асосий ғоялари хусусида турли-туман мулоҳазалар билдирилмоқда. Тўғри, кишилар қалбидаги айта олмай юрган фикр-мулоҳазалари очиқ айтилгани яхши.

БАРЧА МАСАЛАДА очиқ-ойдинлик, ошкоралик, демократия бўлмоғи керак. Аммо партия бошлаб берган бу фикр эркинлиги илмий асосга, аниқ факт ва ҳаёт масалаларига асосланмоғи лозим. Октябрь инқилоби туфайли қўлга киритилган социалистик қадриятлар тараққиётига, миллатлараро дўстликка, тенг ҳуқуқлилик принципларига зарар етказмаслик, айниқса ёшлар тарбиясига, уларнинг халқ, жамият олдидаги вазифаларига зийраклик билан муносабатда бўлиш, жамият тартиботларини бузмай, уларни ҳурмат қилиш каби онгли кўникмаларни ёшларда шакллантирмоқ керак.

Мамлакатимиз оғир дамларни бошидан кечирмоқда, узоқ йиллар давомида жойлардаги реал социал-иқтисодий вазиятни ҳисобга олмай марказлашган планли хўжалик сиёсатини юргизиш туфайли социализм табиатига ёт ҳисобланган иқтисодий ва мафкуравий танглик ҳолатига тушиб қолдик. Йилдан-йилга чуқурлашиб бораётган бу тангликдан чиқмай туриб, партияни ва унинг социализм ғояларини ҳимоя қилиб бўлмайди. Мамлакатимиз олдидаги бу тангликдан, инқироздан чиқишликнинг ягона йўли — қайта қуриш экан, энди ортиқча ваҳзхонликдан амалий ишга кўчиш керак.

Баъзида ҳатто масъулиятли ўртоқлардан ҳам Октябрь инқилоби Ўзбекистон халқларига нима берди ва нималар бериши мумкин эди, деган гапларни эшитиб қоламан. Шуни очиқ айтиш керакки, мафкура соҳасидаги фикр-мулоҳазаларимиз қайта қуриш жараёнига, унинг стратегик йўналишига, социалистик жамиятимиз тараққиётига путур етказмаслиги, ғоявий душманларимизга озуқа бермаслиги керак.

Доно халқимизнинг «инсофли бўл, инсофдан чиқмай гапир» каби ҳикматли сўзларига амал қиладиган бўлсак, дарҳақиқат, Октябрь инқилоби Ўрта Осиё халқларига, жумладан, бизнинг ўзбек халқига кўп нарсаларни берди. Кўп миллионли Советлар диёрида яшаётган халқларга, жумладан, биз ўзбекларга аввалом бор тинчлик, тинч-тотувлик берди. Элат ва миллатлараро жанжаллар туфайли келиб чиқаётган беҳуда қон тўкишларга барҳам берилди, камбағал деҳқонларга ер-сув, барчага тенглик, эркинлик эълон қилинди, бепул медицина, бепул билим олиш, аёлларга эркаклар билан баробар ҳуқуқ берилди. Халқнинг умумтурмуш маданияти ривожланишига кенг имкониятлар яратилди. Инсон ҳуқуқини давлат томонидан қўриқлаш, ҳақсиз хўрлашларга йўл бермаслик ҳуқуқлари жорий этилди ва бошқалар. Бизнинг мамлакатда Октябрь инқилоби туфайли эълон қилинган бу имтиёзлардан баҳраманд бўлмадим деган бирор кимса топилмаса керак. Булар факт, буни унутмаслик керак. Мен бу ерда ўзбек диёридаги Октябрь инқилобидан то ҳозиргача юз берган ижобий, кўп жиҳатдан намунали ўзгаришлар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Чунки ҳар бир ақли расо совет кишиси ўзининг кечаги куни билан бугунги кунини виждонан таққослаб кўрса, республикамиз социал-иқтисодий, маданий, илмий ҳаётини, совет замонасидаги турмуш тарзини бир кўз ўнгидан ўтказса, республикада, область, ва районларимизда, қишлоқ ва ҳар бир ўзбек хонадонида ижобий ўзгаришлар борлигига амин бўлади. Тўғри, бу ўзгаришлар халқ меҳнати туфайли, не-не қийинчиликлар, табиат офатлари, душман тажовузлари гирдобида якдилик, бир мақсадга эришиш йўлида кураш билан қўлга киритилди. Лекин уларни унутиб, қуруқ аравани олиб қочавериш ҳам, айюҳаннос солавериш ҳам инсофдан бўлмаса керак.

Тўғри, В. И. Ленин вафотидан кейин, айниқса 1929 йилдан бошлаб, мамлакатимиз социализм ғоялари табиатидан келиб чиқадиган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий йўлдан чекинишлар юз берди. Буларнинг энг даҳшатлиси инсон қадрини хўрлаш, уни эркин фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш, уни доимо даҳшатда тутиш, ҳадиксираш, ўз жонини асраш қўрқувида яқинлари ҳақида маълумот бериш, уларни ноҳақ сотиш эди. Социализм табиатига, Ленин ғояларига мутлақо зид бўлган бу ярамас иллат 1937—1938 йилларда бир неча юз минглаб виждонли совет кишилари ёстиғини қуритди. Халққа қоғозда ижодкор, амалда эса авом деб қараш туфайли, уни марказдан бюрократ аппарат белгилаган планли хўжалик рақамларини бажаришдан бошқа нарсани ўйламайдиган қилиб қўйилди. Жойларда мураккаб вазият ва реал имкониятлар ўрганилмади ва баъзида ўрганилганда ҳам улар ҳисобга олинмади. Сталин ва унга «содиқ» аппарати ўйлаб чиқарган бошқариш системаси, унинг ворислари (Хрушчев ва Брежнев) даврида ҳам туб ўзгаришлар бўлмади. Афсуски, айниқса Брежнев даври социализм табиатига зид янгидан янги иллатларни туғдирди. Одамлар тор доирадаги ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳеч нарасдан қайтмайдиган бўлиб қолишди. Аввалари эса қўрқиб бўлса ҳам одамлар меҳнатга, ўз касбига, ўз иш жойига ҳалол, ўта масъулият билан қарарди, жамият ва жамоат қонун-қоидаларига амал қиларди. Меҳнатга муносабат ўзгарди. Оилага келаётган даромаднинг манбалари на ота-онани, на фарзандни қизиқтирмай қўйди, акс ҳолда унинг миқдори, доимийлиги олқишга сазовор бўла бошлади. Бир тоифа одамлар оила даромадининг ортиб боришида ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормайдиган бўлиб қолди. Оқибатда давлат ва жамоат қонун ва қоидалари уларни қўриқлашга даъват этилганлар томонидан ҳам суиистеъмол қилина бошланди. Давлатни, халқни алдашга қўл урилди, оқибатда халқ олдида партия, совет қонунчилиги обрўйига путур етди.

МЕН ЯҚИНДА МАРКАЗИЙ ва республика матбуоти саҳифаларида эълон қилинган «Жиддий сабоқ» («Серёзний урок») деб номланган мақолани ўқиб, Брежнев даврини танқид қиламиз-ку, аммо у давр иллати ҳисобланадиган инсон қадрини хўрлаш қайта қуриш даврида ҳам такрорланаётганидан афсусландим. Нега Гдлян ва Ивановларни қаҳрамон қилиб кўкка кўтарган мақолаларга матбуотда кенг йўл берилди? Бизнинг мақсад миллий низоларни кучайтириш, миллатлараро ишончсизликка йўл очавериш ёки уларга барҳам беришми? Ошкоралик ва демократия билан ҳаддан ошиш ўртасида чегара бўлиши керак. Эндиликда ваҳзхонлик, демократия байроғи остидаги демогогия эмас, амалий иш керак, социализмнинг тақдири, унинг равнақи йўлидаги амалий таклифлар, аниқ йўл-йўриқлар ва тартиб керак. Танқидбозлик билан арзон «обрў» орттириш йўлидаги интилишларнинг пайини қирқиш пайти келди. Ҳозирги кунда қайта қуриш жараёни давомида изланишлар, экспериментлар кўп. Илмий таклифлар ҳам бўляпти. Лекин чуқур таҳлил асосидаги аниқ таклифлар қани?! Натижада, амалда кескин ўзгаришлар бўлавермагач, ҳар хил норасмий уюшмалар қайта қуриш программаси асосида ҳаёт тақозосидан келиб чиқаётган проблемаларни кўтариб чиқмоқдалар.

Масалан, бизнинг республикада «Бирлик» номи билан аталмиш норасмий халқ ҳаракати мавжуд. Унинг «Ёш Ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» газеталари саҳифаларида «Низом»и эълон қилинди. «Низом» республикамизда амалга оширилиши зарур бўлган қайта қуриш программаси асосида тузилган. Энди шу «Низом»га расмий тус бериш, қайта қуриш ишимизда улардан фойдаланиш йўлини топмоқ керак. Чунки ҳозиргача расмий ҳужжатларда кучли марказ эмас, балки кучли иттифоқ ва кучли республика социализм ҳаёт йўналишининг асосини ташкил этмоғи керак деймиз-ку, аммо амалда кучли марказ ўз позициясини ҳеч бўшатгиси келмаяпти. Мавжуд партия ва совет аппарати эса бу масалада ўз имкониятидан тўлиқ фойдаланмаяпти. Мен бу ўринда республика партия ташкилоти, Марказий Комитет ва республика ҳукумати қўлини қовуштириб ўтирибди демоқчи эмасман. Чунки Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1989 йил июнь пленумидан кейин республикада қайта қуриш йўлидаги лоқайдликка қарши кураш жонланиб қолди. КПССнинг сентябрь Пленуми кунлари Ўзбекистон пахтакорларининг бир неча йиллардан бери орзу қилиб келган умиди бироз рўёбга чиқди, яъни пахтага қўшимча ҳақ сифатида 1989 ва 1990 йиллар учун 1 млд. 200 миллион сўм Иттифоқ бюджетидан маблағ ажратилди. Миришкор пахтакорларимиз жорий йилида ана шу маблағнинг 370 миллионини амалда олабошладилар. Бинобарин, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига янги давлат харид нархлари бўйича ҳукумат қарори қутилмоқда.

Республика раҳбарлари олим ва мутахассисларнинг илмий маслаҳатлари асосида Ўзбекистонни тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказиш бўйича тайёрланаётган концепция ва программа масаласида аниқ ва қатъий позицияга эга.

Қайта қуриш жараёнида кузатилаётган пинхоний тўсиқлар, томошабинлик кайфиятлари шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат интизоми ҳали ҳам бизда тўғри йўлга қўйилгани йўқ. Давлат интизомини тиклаш ва унинг мўътадиллигини таъминлашнинг ягона йўли — моддий манфаатдорлик. Социалистик жамиятнинг 72 йиллик тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, ижтимоий мулк — ҳеч ким-нинг мулки, уни талаш, ўғрилаш мумкин бўлиб келди. Афсус, минг афсуски, мана шу кайфият ҳозир ҳам давом этмоқда, уни қўриқлаш шарт эмасдек туюлади. Чунки оддий қоровулдан тортиб, то бюрократ буйруқбозгача ижтимоий мулк дахлсизлигидан бевосита манфаатдорлик кўрмайди. Ойлик-маош аниқ, ўзидан жавобгарликни узоқлаштириш йўлида раҳбар ҳар хил найранг билан минг бор товланади ва ниҳоят сувдан қуруқ чиқади. Жуда иложини қила олмаса иссиқ жойидан ажрайди ёки бир ҳайфсан билан қутилади — олади. Бу бизнинг жамиятимизда кундалик ҳаёт нормасига айланиб кетган жирканч иллатки, уни таг-томири билан қуритиш жуда оғир кечмоқда. Агар ижтимоий мулкка жавобгар ўртоқ унинг дахлсизлигидан манфаат кўрганда эди, бизнинг қонун ва тартибларимиз жамият иқтисодий қонунларига мосланиб ишлаганида эди, ҳозирги кундаги иқтисодий тангликдан жамиятимизнинг ҳамма жабҳалари бўйича партия XXVII съездида, на Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида, на СССР депутатларининг съездларида қайта қуриш программаси кўтарилмаган ва унга социализмнинг мавжуд иқтисодий тангликдан чиқариш сўнгги ҳаракати деб кўз тикилмаган бўларди.

Шу ўринда эътиборингиз учун бир мисол келтирмоқчиман.

Ҳеч кимга сир эмаски, Ўзбекистон юқори даражадаги ўтмиш маданияти тарихига эга. Ана шу бир неча минг йиллик тарихимизни, маданиятимизни, этнографияни халққа кенг кўламда етказадиган тарих музейи биноси эса Тошкентда (хатто республикамизда) йўқ. Бу масалада мурожаат қилинмаган раҳбар ташкилотлар қолмади десам муболаға бўлмас. Турғунлик йиллари музей қурилиши ҳақида гап очиб бўлмасди. Чунки халқнинг интеллектуал маданияти ва мафкуравий савиясини тарбиялашга қаратилган марказларни ташкил этиш масалалари совет воқелигида иккинчи даражага тушиб қолган эди. Қайта қуриш жараёни эса бу масалани, ҳайриятки, илгари суряпти. Бу бизга куч ва ғайрат ато этади. Пойтахтимиз Тошкенти азимда 20 миллионли халқимизнинг тарихи, маданияти ва этнографиясини кенгроқ намойиш этадиган музей йўқлиги, Куйбишев кўчасига жойлашган Ўзбекистон халқлари тарихи музейи авария ҳолатида бўлгани учун ёпиқ экани, тарих музейи учун янги бино кераклигини айтиб республика раҳбарларига мурожаат этдик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретарлари, Ўзбекистон Министрлар Советининг собиқ Раиси, унинг ўринбосасарлари ҳузурида бир неча бор бўлдик. Республика аҳамиятига молик йиғилишларда, ўзаро шахсий учрашувларда академия раҳбарлари бу масалани қайта-қайта кўтаришди. Республика раҳбарлари авария ҳолатидаги музейга ташриф буюрдилар ҳам. Кўринишдан бизга хайрихоҳ эдилар. Тошкент область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетлари аниқ муддатлар билан топшириқлар олишди. Ҳатто республика Министрлар Совети қарори билан Тошкент область ижроия комитетининг биноси Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейига бўшатиб берилсин деган буйруқ ҳам бўлди. Шундан сўнг бизнинг саргузаштларимиз Тошкент область ижроия комитетига мурожаат этишдан бошланди. Натижа чиқавермагач, яна Марказкомга мурожаат қилдик, бир неча бор газета саҳифалари орқали бу аянчли аҳвол ҳақида бонг урдик. Марказком бу масалани Тошкент область партия комитети назоратига топширди. Шунча можарою-сансалорликлардан кейин республика Министрлар Совети раисининг биринчи муовини ўртоқ Д. Д. Берковдан жавоб хати олдик. Бу хатда республика тарих музейининг ҳозирги аҳволи ачинарли бўлганлигини ҳисобга олиб, Тошкент шаҳар ижроия комитетига музей учун вақтинча бошқа бино топиб бериш топширилди, деб ёзилган.

Ана сансалорлигу, мана сансалорлик. Бу музей экспонатлари қадрини, бебаҳолигини, аҳамиятини тушунишни истамасликми ёки бошқа нарсами? Республика тарих музейи тақдирини ўйламаслик — халқимиз маданий меросига, тарихига ҳурматсизлик-ку, ахир!

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг таклифи билан республика халқлари тарихи музейи учун янги замонавий бино қуриш ҳақидаги ташаббус бундан икки йил бурун республика партия ва ҳукумати томонидан маъқулланиб, тегишли ҳужжатлар тайёрланди. Бўлажак музей биноси учун Тошкент шаҳар ижроия комитетининг музей қурилиши учун ер ажратиш ҳақида қарори керак экан. Ана шу қарорни ҳалигача ололмаймиз. Шаҳар ижрокомининг собиқ раислари бу тугунни ечишга бош оғритмадилар. Ҳозирги раис эса ҳали бу ҳақда ўйлаб кўрганича йўқ. Масъул раҳбарлар бу лоқайдлик қандай оқибатларга олиб келишини биларми-канлар?!

Демократия ва ошкоралик шароитларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаоллик кўрсатиш тенденцияси қарор топмоқда. Лекин бу тенденция қайта қуриш учун фойдали бўлишида ҳали жуда кўп тўсиқлар ва қийинчиликлар мавжудлиги билиниб қолмоқда. Маданий тараққиётнинг кенг кўламли йўлида илм-фан ва маърифатнинг истиқболи учун курашда фақат яхши режаларгина эмас, балки ҳаётий долзарб муаммолари ҳал этадиган амалий ишлар керак.

А. АСҚАРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих, тилшунослик ва адабиёт-шунослик бўлими академик-котиби.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

15 январь, душанба

УзТВ-I. 17.30 Дўстлар учрашуви. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик». 19.00 Сенинг партия билетинг. 19.30 Ахборот. 19.50 Академик Р. Мавлонов таваллудининг 80 йиллигига. 20.20 Ёркин хотира. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.20 Шеърият дафтаридан. 21.30 Время. 22.00 Кино... кино...

МТ-I. 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.50 Концерт. 17.10 Болалар соати. 18.15. Фильм-концерт. 18.55 Реклама, эълонлар, ахборот. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 1990 йил П. И. Чайковский йили. 21.30 Время. 22.00 Абадий-бадиий видеоканал.

МТ-II. 17.30 Чанғи спорти. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Янги номлар. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 «Янги номлар» (давоми). 22.10 Киноальманах.

16 январь, сешанба

УзТВ-I. 17.30 Фильм-концерт. 18.05 Мультфильмлар. 18.40 «Чорвадор». 19.15 СССР халқ депутатининг ҳисоботи. 19.30 Ахборот. 19.50 Болалар ва китоб. 20.30 Ахборот. 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Время. 22.00 Амалий давра суҳбати. 22.40 «Ёшлик».

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Дубровский». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.15 Мультфильмлар. 11.40 Бу бўлган... бўлганди. 11.55 Болалар соати. 12.55 Реклама, эълонлар, ахборот. 13.00 Время. 13.30 Саёҳатчилар клуби. 16.00 Мусиқий хазина. 16.50 Ҳужжатли фильм. 17.15 Фалсафий суҳбатлар. 18.00 Дунё болалари нималар ҳақида қуйлашади. 19.00 Время. 19.30 Ёшлар хабарномаси. 20.00 Рассом устахонасида. 20.25 «Дубровский». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Ҳаммасига оперетта сабаб. 23.20 Ҳужжатли фильм. 23.45 Бизнинг бурчимиз.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 География. 10.05 ва 11.05 Француз тили. 11.35 ва 12.35 География. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 13.05 «Эски Янги йил». Бадиий фильм, 1-серия. 14.15 Ҳужжатли фильм. 14.40 Ритмик гимнастика. 15.10 «Тақводор Марта». Бадиий фильм, 1-серия. 17.30 Концерт. 18.00 Депутат портрети. 18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Туркманистоннинг туристик йўллари. 19.45 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.10 СССР — АҚШ ёш композиторларининг фестивали. 22.00 «Анор ранги». Бадиий фильм. 23.40 Хоккей. СССР чемпионати.

17 январь, чоршанба

УзТВ-I. 11.30 Физика. 12.00 Телефильм. 12.30 Химия. 13.00 «Беҳаловат қиш». Бадиий фильм. 17.30 Ўқитувчи экрани. 18.05 Инсон болаликдан бошланади. 18.45 «Ёшлик». 19.30 Ахборот. 19.50 Дўстларимиз диёрида. 20.30 Ахборот. 20.50 Мусиқий программа. 21.30 Время. 22.00 Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллигига бағишланган юбилей кеча. 24.00 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Дубровский». Бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. 11.15 Дунё болалари нима ҳақида қуйлашади. 12.15 Мультфильм. 12.25 «Камалак». 13.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 16.00 Мўъжизалар майдони. 16.50 Ҳужжатли фильмлар. 17.20 «Магия» билан учрашув. 17.55 Болалар соати. 18.55 Реклама эълонлар, ахборот. 20.00 Мультфильм. 20.20 «Дубровский». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Инсон ва қонун». 23.25 Эстрада программаси. 23.45 Бизнинг бурчимиз.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 Умумий биология. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 13.05 «Эски Янги йил». Бадиий фильм. 14.10 Ҳужжатли фильм. 14.30 «Тақводор Марта». Бадиий фильм, 2-серия. 15.40 Фильм-концерт. 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.10 Телевидение ҳазинасидан. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 «Нафосат йўллари». 19.55 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Икки фортепьяно учун композиция. 20.55 Ҳужжатли фильм. 21.15 Халқ куйлари. 21.30 Ҳужжатли фильм. 22.00 «Менинг ҳаётим». Бадиий фильм. 1-серия. 23.05 Телевизион мусиқий абонемент. 00.10 Баскетбол.

18 январь, пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Умумий биология. 12.00 Телефильм. 12.30 «Йўқолган ҳазина». Бадиий фильм. 17.30 Эстетика асослари. 18.05 Шоирлар-болаларга. 18.45 Хонадон ва унинг соҳиби. 19.15 Комсомол прожектори. 19.30 Ахборот. 19.50 Адабий композиция. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Амалий давра суҳбати. 22.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. 23.50 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Дубровский». Бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар. 11.15 Узоқ Шарқ халқлари миллий санъати байрами. 11.45 Мультфильм. 11.55 Болалар соати. 12.55 Реклама, эълонлар, ахборот. 13.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 13.30 «Инсон ва қонун». 16.00 Болалар учун фильм. 17.05 Интеграция. 17.35 Концерт. 18.50 Мультфильм. 19.00 Время. 19.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 20.15 Концерт. 20.25 «Дубровский». Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Менинг Чайковскийим».

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 ва 10.45 Табиатшунослик. 9.55 Испан тили. 10.25 Ҳужжатли фильм. 11.05 Испан тили. 11.35 ва 12.35 Биология. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 13.05 Киноальманах. 14.20 Ритмик гимнастика. 14.50 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 16.05 Ҳужжатли фильм. 17.30 Дил куйини куйлаймиз. 17.50 Мультфильм. 18.05 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Россия тарихи ҳақида. 22.00 «Менинг ҳаётим». Бадиий фильм, 2-серия.

19 январь, жума

УзТВ-I. 11.30 Ботаника. 12.00 Телефильм. 12.30 Ўзбек совет адабиёти. 13.00 «Нина». Бадиий фильм. 17.30 Телефильм. 18.05 Болалар учун концерт. 18.25 Ижара-кони фойда. 19.00 Демократия йўлидан. 19.30 Ахборот. 19.45 Унутилмас сатрлар. Ажзий. 20.30 Ахборот. 20.50 Тил-маданият кўзгуси. 21.30 Время. 22.00 Концерт. 23.15 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Дубровский». Бадиий фильм, 4-серия. 10.10 Концерт. 10.40 Ҳужжатли фильмлар. 11.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.55 Инсон институти. 13.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.40 Халқ куйлари. 16.55 «Революция майдони, 2-уй». 17.40 Қувноқ стартлар. 18.25 Ҳокимият — Советларга. 18.55 Реклама, эълонлар, ахборот. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20. 15 Шеърият лаҳзалари. 20.25 Дубровский». Бадиий фильм, 4-серия. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Бу бўлган... бўлганди. 22.35 «Нигоҳ». 00.05 Концерт.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Мусиқа. 10.05 ва 11.05 Инглиз тили. 11.35 География. 12.05 Ҳужжатли фильм. 13.05 «Анор ранги». Бадиий фильм. 14.40 «Хотира». Фильм-концерт. 15.00 «Танга». Бадиий фильм. 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.25 Мультфильмлар. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 «Майдон» 19.50 Баскетбол СССР чемпионати. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.40 «Майдон». 21.30 Мультфильм. 21.45 Спорт ҳамма учун. 22.00 «Менинг ҳаётим». Бадиий фильм, 3-серия. 23.20 Хоккей. СССР чемпионати.

20 январь, шанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Телефильм. 10.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. 12.00 Концерт. 12.30 Ёш олимлар телеклуби. 13.20 «Офат ва нажот». 18.00 Тенгдошлар. 18.45 Мультипанорама. 19.30 Ахборот. 19.50 Ўзбек тилини ўрганамиз. 20.20 ЎзССР Ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.30 Ахборот. 20.50 Кекса санъаткорлар. 21.30 Время. 22.00 «Тобутдан товуш» спектакль.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Онам, дадам, ва мен. 9.35 Уйчакемияси. 10.05 Йил фаслари. 11.05 Ҳужжатли фильм. 11.25 Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.25 Концерт. 12.55 Ҳужжатли фильм. 14.05 Ғолиблар. 15.05 Концерт. 15.55 «Максим Перепелицс». Бадиий фильм. 17.25 Мультфильмлар. 17.55 Камалак. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Концерт. 19.25 «Джинжер ва Фред». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.00 Концерт.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Волганинг туби тилла. 9.15 Украина ССР Давлат телерадиоси. 9.55 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия. 13.00 Олам ва экология. 15.00 Эфирда — «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 Астоженкода, қизил чодраларда. 18.35 Мультфильмлар. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Расомлар ҳақида ҳикоялар. 19.45 «Пи» белгиси билан. 1-қисм. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 «Пи» белгиси билан. 2 ва 3-қисмлар. 23.30 Баскетбол. АҚШ чемпионати. 00.30 «Квартирага ордери бор киши». Бадиий фильм.

21 январь, якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Ҳужжатли экран. 10.35 Спорт программаси. 11.35 Инсон ва табиат. 12.05 Мусиқий программа. 12.45 Пенсиялар ва нафақалар тўғрисидаги қонунлардаги янгиликлар ҳақида. 13.45 Самарқанд тамғаси билан. 14.45 Иморат пойдеворидан бошланади. 15.15 Реклама. 18.00 Концерт. 18.40 «Нон». Теленовелла. 19.30 Ахборот. 19.50 Ленин, партия, Ватан ҳақида қўшиқлар. 20.30 Ахборот. 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 «7 кун». 22.30 «Бир планетада». Бадиий фильм.

МТ-I. 8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Концерт. 9.10 Спортлото. 9.35 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Авторлик қўшиқлари. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 Здоровье. 13.45 Педагогика — ҳаммага. 14.45 «Фронтдан салом». Бадиий фильм. 16.05 Мультфильм. 16.15 Қишлоқ янгиликлари. 17.30 М. Горький. «В. И. Ленин». 18.30 Болалар учун фильм. 19.50 Ҳужжатли фильм. 21.00 Концерт. 21.30 «7 кун». 22.30 Концерт.

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг. 8.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 9.50 Киножурнал. 10.00 Концерт. 10.30 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм, 3 ва 4-фильм. 13.00 Концерт. 14.00 Ҳужжатли фильм. 14.30 Концерт. 15.00 Эфирда — «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 Халқаро программа. 18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.00 Ҳужжатли фильм. 19.30 «Портретингизни қайтариб юборяпман». Бадиий фильм. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Тог чанғи спорти. 21.30 «7 кун». 22.30 «Инқилоб фуқароларни». Бадиий фильм. 24.00 Хоккей. СССР чемпионати.

Қадоқланган асал

Ленинск шаҳридаги асаларичилик совхози ишчилари бу йил ижара пудрати асосида ишлашга ўтиб, 5033 та асаларни онласини ёзда Қирғизистон ССРнинг тоғли районларида парвариш қилдилар ва мўл-кўл асал етиштирдилар.

Совхоз бўйича 69 нафар ижарачи пландаги 90, 5 тонна ўрнига 94 тонна асал етиштириб, совхозга топширишди. Ижарачилардан Ғ. Сулаймонов, Қ. Назиров, И. Саидов, А. Қодировларнинг ҳар бири асалари онласидан ўртача 20-22 килограммдан шифобахш асал олиб, планнинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бугунги кунда етиштирилган асал совхознинг қадоқлаш цехида 350 ва 280 граммли шиша идишларга солиниб, савдо тармоқларига чиқариляпти.

Т. КОМИЛОВ.

АХБОРОТ

САВДО МАРКАЗИ

● **Ульянов районидаги Қамаши қишлоғига кираверишда кетмон кўтарган деҳқон ҳайкали қад ростлаб турибди. Бу Қарши даштида дастлабки ташкил этилган қўриқ районида деҳқончилик ишлари шундай шиддат билан бошланган, деган маънони англатади.**

Бу ерда йўловчиларга зарур қулайликлар яратилмоқда. Қисқа муддатда қурилган «Бободеҳқон» номи билан аталувчи савдо маркази харидорларга хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, чорраҳада яна бир чиройли бино қад ростламоқда. Бу «Карвонсарой» деб аталади. Унда ошхона ва чойхона бўлади. Йўловчилар ҳордиқ чиқариб кетиши учун барча қулайликлар яратилади. Буни «Каршипромжильстрой» трестининг 15-механизациялашган кўчма колоннаси бинокорлари қуряптилар.

ПОСЁЛКА ЯШНАМОҚДА

● **Бундан бир неча йиллар илгари маршал Чуйков номли совхоз марказий қўрғонида вагон уйчаларидан бўлак ҳеч нарса кўзга ташланмасди. Хўжалик иқтисодий жиҳатдан ривожланган сари уй-жой ва социал объектлар қурилишига эътибор янада кучайтирилди. Унлаб икки қаватли коттеж уй-жой бинолари қад ростлади.**

Посёлканинг ички хўжалик йўллари асфальтланди. Чойхона, магазин, ҳаммом аҳоли хизматида. Замонавий усулда қурилган 524 ўринли мактаб ва болалар боғчасида кичкинтойлар яйрамоқдалар.

— Бу йилги даромадимиз 5 миллион сўмга етади, — дейди совхоз директори Ўрин Каримов. — Бунинг бир қисмини социал объектларга сарфлашни мўлжалламоқдамиз. Шу кунларда посёлкага сув келтириш мақсадида водопровод қувури ётқизиляпти, 400 ўринли қишки клуб ва 10 минг ўринли стадион қурилмоқда. Шунингдек, чўлқуварлар хонадонларини газлаштириш, ишчилар учун профилакторий қуриш чоралари ҳам кўрилмоқда. Хуллас, совхоз маркази кунданкунга чирой очаверади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ВАРАХШОҲ МУЗЕЙИ

● **Қизилқумдаги Варахшоҳ қўрғони давлат қўриқхонаси сифатида дахлсиз.**

Мана 50 йилдирки археолог олимлар бу қадимий қўрғонда қазишма ишларини давом эттиришмоқда. Атоқли олим В. А. Шишкин раҳбарлигидаги илмий экспедиция 30—50-йиллар мобайнида Варахшоҳда кашфиётлар қилди.

Олимларнинг аниқлашича қўрғон эрамиздан илгариги биринчи асрдаёқ вужудга келган. Марв, Хоразм сари йўл олган савдо карвонлари шу ерда тўхтаб, ҳордиқ чиқарган. Қўрғон атрофи боғ-роғлар, ҳосилдор ерлардан иборат бўлган. Кейинчалик бу ерда шоҳона қаср барпо этилган.

Археолог олимлар Варахшоҳда қазиб олган кўпгина буюмлар—сарой деворидаги суратлар ҳозир Эрмитаж музейида намойиш этилмоқда. Область тарих-меъморчилик музейи қўриқхонаси илмий ходимларининг куч-ғайрати билан бу экспонатлардан олинган репродукциялар, тепаликдан топилган буюмлар Бухоронинг Иброҳим Охунд мадрасасида очилган Варахшоҳ музейида кўрсатилмоқда.

Варахшоҳ қўрғонида эса қазишмалар давом этмоқда. Уни Москвадаги шарқ халқлари санъати давлат музейининг олимлари олиб боришмоқда. Бу ишларга машҳур археологлар сулоласининг давомчиси Г. В. Шишкина раҳбарлик қилмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИККИ ЮЗ ИККИ НЕВАРА

● **Сангзор дарёси соҳилида кўркам «Қирққишлоқ» қишлоғи жойлашган. Бир вақтлар ўзбекларнинг қирқ уруғига мансуб қирқ хонадон шу қишлоқда истиқомат қилганлиги учун «Қирққишлоқ» деб аташади. Ҳозир бу қишлоқ йирик посёлкага айланган. «Бахмал» совхозининг етакчи бир бўлими.**

—Шу қишлоқнинг энг кекса одами ким? —деб сўрасангиз, дарҳол «Ўрозгул она!» —деб фахр билан тилга олишади. Ўрозгул она Иброҳимова юз ёшга кирди. У шу қишлоқда туғилган. Ҳисоб-китоб қилинса, невараларнинг невараларининг сони 202 нафарга етибди. Уларнинг қирқ нафари олий маълумотли. Ун нафари эса тўлиқсиз олий маълумотга эга.

Қишлоқдагилар Ўрозгул онани доимо зиёрат қилиб туришади.

А. ЭРГАШЕВ.

• *Байналмилал коллективда*

БИР ЗАМИН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Қисмда жанговар машғулотлар тиғиз. Ёш жангчилар солдатлик меҳнатининг ибтидоси билан танишмоқдалар. Гоҳи-гоҳидагина бўладиган ҳордиқ пайтларида солдатлар даврасида гап қизийди. Кимдир уйи, ота-онаси ёки туғилиб ўсган шаҳри, қишлоғи ҳақида, яна кимдир хизматдаги илк таассуротлари билан ўртоқлашади. Уларнинг бу ерга чақирилганига — бир батальон, рота, взвод ёки бўлинмага «тушиб қолишгани»га ҳеч қанча вақт бўлмади. Бироқ улар ҳозирдаёқ аҳил оила фарзандидек бўлиб кетишди.

Майдонда саф тортиб, бир маромда қадам ташлаётганларга разм соламан. Ўзбек ва рус, арман ва грузин, қозоқ ва белорус, тожик ва осетин, чечен ва яҳудий. Қайси бўлинмада бўлмайлиқ камида етти-саккиз миллат вакилига дуч келдик. Улар хизматни қандай ўташмоқда? Солдатлар коллективи қандай шаклланмоқда? Армияда миллатлараро муаммолар борми? Владимир областидаги қисмда худди шу ҳақда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Оддий солдат Михаил Аронов:

— Миллатим яҳудий: Ўзбекистондан чақирилганман. Фарғонаданман. Бир неча кун аввал уйдан хат олдим. Осойишталикдан миннатдор бўлиб ёзишибди. Шаҳримда бўлиб ўтган воқеаларга жавоб тополмайман. Ҳамма аҳил яшар, бошқа миллат вакиллари билан орамиздан қил ўтмас эди-ку. Ота-оналаримиз бирга ишлашар, биз бўлсак, болаликнинг беғам ва беташвиш онларини бирга ўтказар эдик. Тенгдошларим қайси миллатга мансублигидан қатъи назар бир неча тилда гаплаша олишарди. Масалан, мен ўзбек тилида бемалол гаплаша оламан. Уларнинг тантилигига асло шубҳам йўқ.

Энди ўйласам, турли миллат вакилларининг бир коллективда ишлаши, аралаш никоҳ ёки шу халқнинг тилини билиш бу ҳали байналмилаллик эмас экан. Бу туйғу инсон қалби сингари нозик бўлиб, ўйламай айтилган бир оғиз сўз унга дарз етказиши мумкин экан.

Бошқа миллат вакили бўлсам-да Ўзбекистонни она юртим, деб биламан. Фарғонада туғилдим, ўсдим. Областимизда содир бўлган фожиали воқеаларнинг сабаблари энди тўлароқ таҳлил этиляпти.

Оддий солдат Эдик Бежанян:

— Арманистонданман. Менимча озар халқи билан бизнинг «келишмовчилигимиздан» ҳамманинг хабари бўлса керак?

Одамларга нима керак ўзи? Ерми... Ер бизда битта, уни бўлиш зарурати кимга керак бўлиб қолди... Тоғли Қорабоғ ҳақида яна нима дейиш мумкин? Олимлар ҳам, тарихчилар ҳам, оддий одамлар ҳам мунозара қилишяпти. Ким ҳақ, ким ноҳақ ҳали ҳал этилмади. Мен арман бўлганим учун ўз халқимдан айри яшолмайман. Бироқ Озарбайжон кишилари ёки бошқа бирор халқ вакили билан аразлашишни истамайман. Бўлинмадаги озар Газиз билан дўстман. У ўзининг хулқ-атвори билан бошқалардан ажралиб туради.

Оддий солдат Герман Кодзасов:

Менинг эса қисмдаги энг яқин биродарим чечен Руслан Мусаев, ўзим осетинман. Хўш, нима бўлибди? Инсонни миллатига қараб айириш тўғри бўладими? Агар у яхши хулқ-атворли бўлса... Яхши ва ёмон одамлар ҳар бир жойда, ҳар бир миллат ва элатда топилади. Уларни бир-биридан фарқлай билиш керак, холос.

Эсимда бор, ўрта мактаб дарсликларидан «Ягона совет халқи вужудга келди» деган иборага тез-тез кўзим тушарди. Энди ўшандай жимжимадор ибораларни такроллаб имтиҳон топширганимдан уяламан. Кўриб турибсизларки, реал ҳаёт бошқа-ю, илмий хулосалар бошқача экан. Буни Ватанимизнинг турли регионларида ханжар ярасидай яллиғланаётган миллатлараро можаролар кўрсатиб турибди.

Кичик сержант Игорь Баранов:

— Бу масала рус халқининг оддий бир вакили, қолаверса кичик командир сифатида мени ҳам ҳаяжонлантиради. Газета ўқиймиз, телевизор кўрамиз, радио тинглаймиз. Кўп вақт бир савол қийнайди. Мамлакатимизда нималар бўляпти? Яна ўша гап. Ўзаро келишмовчилик. Наҳотки, тўла маънодаги тансиқ неъмат — эркинликни шу қадар суиистеъмол қилсак? Эҳтимол бундай воқеалар аввал ҳам бўлгану, биз эътибор бермагандирмиз. Чунки ҳамма «Ягона оила туйғуси» билан яшарди-да.

Бўлинмада жангчилар бир-бири билан дўст ва иноқ. Кимнингдир назарий билими яхши, жисмоний тайёргарлиги эса суст. Бошқасиники аксинча. Шундай пайтларда улар бир-бирларига қанот бўлишяпти. Бунинг натижасида амалий машғулотларда катта муваффақиятларга эришяпмиз. Ҳар гал ротадаги Ленин номи билан аталадиган хонага кирганимда аълочи жангчиларнинг фотосуратларига кўзим тушади. Намангланлик Жаҳонгир Эшонхўжаев, орловлик Александр Сквورцов, абхазиялик Гурам Пипея ва бошқалар.

Менинг энг яқин ҳамроҳим абадзин миллатига мансуб Набри Чекантуевдир. У билан ҳамиша бир бурда нонни икки бўлиб еймиз.

Оддий солдат Равшан Бойзоқов:

— Биз — жангчилар майда-чуйда келишмовчиликларга асло йўл қўймаслигимиз керак. Ота-боболаримиз «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бизнинг ўзбек халқи азалдан байналмилал. Бир бурда нонни ҳам меҳмонга тутади.

Мен чортоқликман. Короскон қишлоғидаги «Москва» колхозиданман. Қисмда ҳамюртларим талайгина. Районимиз марказидаги Курорт кўчасидаги Шермирза Бўриев ҳам мен билан бирга. Қачон бўш қолсак областимиздаги осойишталикдан мамнун бўлиб гаплашамиз. Ўтган йили содир бўлган нотинчлик хаёлимизни кўп вақтгача тарк этмади. Уйга ботбот хат ёздик. Қадрдонлардан тез-тез мактуб олиб турдик. Яқинда областимиз ва районимиз марказида ҳосил байрами илгаригидай тантанали ўтганини эшитиб қувондим. Осойишталик доимий бўлсинда. Чунки, биз ҳақиқий ҳолатга ортиқча баҳо бериб, кейин пушаймон қилиб юрмаслигимиз керак. Қани энди ҳар бир қалб осойишта бўлса, гина-кудурат бўлмаса.

БИЗНИНГ ШАРҲ

Давра суҳбатида ҳамма ҳам ўз фикр-мулоҳазасини дадил ўртага ташлай олгани, муҳим муаммолар охиригача таҳлил этилгани йўқ. Аммо унинг иштирокчилари кўпайиб борди, ўнлаб ўзбекистонликлар ўз дил сўзларини айтишди, фикрлашувлар жонли ўтди. Кимдир баъзан ҳали ҳам роталарда «юртдошлар уюшмаси»нинг бутун коллективда носоғлом муҳит яратишга уринишини тилга олди. Шуни ўйлар эканман, армияда ҳам миллатлараро муносабатда маълум муаммолар борлигини ҳис этдим. Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Чиндан ҳам мамлакатда қандай воқеа юз берса кўп миллатли ҳарбий коллективда акс-садо бериши табиий. Бу оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки солдат қўлида қурол бор. Буни уларга она-Ватан ишониб топширган. Жангчилар халқимизнинг тинч ижодий меҳнатини, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини қўриқлашлари керак. Оддий солдат Э. Бежанян айтганидай, еримиз битта, умумий! Мен шу сўзлар ёнига ўйимиз, мақсадимиз ҳам муштарак деган гапни қўшгим келади. Бу КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленуми, СССР Олий Советининг иккинчи сессиясида аниқ-равшан айтилди. Ечимини кутаётган муаммолар эса оз эмас. Ишонамизки улар ижобий ҳал этилади.

Р. ИРИСОВ,
Москва Олий партия мактабининг тингловчиси.

ХАЙРЛИ ИШ

Тошкент областининг Нариманов шаҳридаги 159-дорихонада кейинги вақтларда кўпгина хайрли тадбирлар амалга оширилятти. Бу ерда аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш, ишда нуқсонларга йўл қўймаслик учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Айниқса, дорихонада Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ногиронлари, Афғонистонда байналмилал бурчини бажарган йигитлар, уч яшаргача бўлган болаларни, қанд, нафас қисиш касалликлари билан оғриган кишиларни дори-дармонлар билан бепул таъминлаш йўлга қўйилганлиги қувончли ҳолдир.

Дорихонада ўз ишининг устаси саналган кўплаб ходимлар меҳнат қилади. Улар беморларга иложи борича сифатли ёрдам беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Дорихона мудири Абдумалик Иброҳимов ана шундай жонкуяр кишилардан. У мана 34 йилдирки, шу касбни ардоқлаб келади. Провизор-технолог Шоҳида Ғафурова, дориҳунос Фотима Абдуллаева ҳам ибратли ишлар қилишаётир.

Суратда: Дорихона мудири А. Иброҳимов дориҳунослардан М. Қаршибоева ва С. Қорабоевлар билан.

У. УСМОНОВ сурати.

• *Газетхон минбари*

Бўлди ажаб ҳангомалар

Дарахтнинг мўртини қурт ейди доим,
Тарихда мисоллар жуда кўп бунга.
Крилов масалларидан.

Бундан йигирма йил муқаддам Тошкентда янги оила бунёдга келди. Ёш, иқтидорли аспирант Ғ. Қосимов лаборант қиз З. Аҳмедовага уйланди.

Лекин... Аспирант оладиган юз сўм маош келинчакнинг талабларига дош беролмади. У онасиникига кетиб қолди. Тез орада эр-хотинларнинг розилиги билан халқ судида (1969 йил) никоҳ бекор қилинди. Бу вақтда туғилган Адиба, табиийки, онаси билан қолди. Аспирант йигит эса бошқага уйланиб, юз сўм маошини икки оилага бўлиб кун кечирди.

Неча йиллар давомида боши очиқ юрган З. Аҳмедова ўзининг собиқ умр йўлдоши Ғ. Қосимовни хаёлига ҳам келтирмади. Кейин бундоқ қарасаки, олаётган алименти анча кўпайиб қолибди. Чунки умидли аспирант фан номзоди бўлган экан.

Ўзининг ақли етдими ёки яқин кишиларнинг маслаҳати биланми З. Аҳмедова собиқ эри билан учрашувлар учун сабаб ахтара бошлади. Лекин энди ёш фан номзоди эски «муҳаббат»ини янгилагиси келмади, чунки у кейинги онласи билан тотув яшарди, бирин-кетин фарзандлар кўришганди.

Ғ. Қосимов докторлик иши устида тиним билмай ишлади. З. Аҳмедова эса... ўн йил юриб, яна бир қиз кўрди. Отини Умида қўйди. Никоҳ бекор қилинганда, никоҳдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномани З. Аҳмедова ўзида олиб қолган эди. Орадан ўн йил ўтгач, кучини йўқотган ана шу ҳужжат бўйича Умиданн Қосимова фамилиясига ўтказди.

Орадан саккиз йил ўтди. Бу орада Ғ. Қосимов фан доктори, профессор, кафедра мудири бўлди. «Қизим Адибага алимент тўлаяпман» деб юраверди. Яна бир «қизи» борлигини кейинчалик бухгалтерияда билди. Чунки бу вақтда ундан профессорлик оклади ҳажмида алимент ушлаб қолишаётган эди.

Профессор гап нимадалигини билгунча бухгалтерия мунтазам унинг маошидан ойига 99 сўмдан ундира бошлади. 1987 йилнинг 18 апрелида Собир Раҳимов район халқ судьяси О. Иванова алимент ундириш ҳақидаги қарорни бекор қилди. Шундан кейин З. Аҳмедова норозилик аризаси ёзди. Иш халқ судьяси М. Ҳошимовага ўтказилди. М. Ҳошимова эса суд жараёнида қатнашган прокурор ва ҳимоячининг бир неча бор қилган эътирозларига қарамай «алимент ундирилсин» деб қарор чиқараверди. Қосимовнинг ойлик маошидан шилиб олинаверди. Мана, сизга адолат!

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, З. Аҳмедова Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари У. Набиев сиймосида кучли ҳимоячи топди. Ғ. Қосимовнинг кассация шикояти 1987 йилнинг 1 декабрида шу ўртоқ раислигида кўриб чиқилди. Ваҳолонки, эълонга кўра, ишни Л. М. Костяркина кўриши керак эди. Бундан ташқари, бу масала 1988 йилнинг 26 февралида Тошкент шаҳар суди президиумида кўрилаётганда яна У. Набиев қатнашиб, Тошкент шаҳар прокурорининг фикрига қарши чиқди.

Ғ. Қосимовнинг адвокати, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси О. А. Тухманянцдек катта тажрибали киши ҳам бунга ҳайрон қолди. Шаҳар ва район прокуратуралари суднинг қарорига норозилик билдирса ҳам, ҳеч гап бўлмади. Набиев қаттиқ турди. Бу ишга Ўзбекистон ССР прокуратураси ҳам аралашишга мажбур бўлиб, суд органларининг мазкур иш бўйича ҳамма қарорларини бекор қилиш юзасидан Ўзбекистон ССР Олий судига норозилик билдирди.

1988 йилнинг 29 июнида шундай ажрим чиқарилиб, иш бошқа составда кўриб чиқиш учун халқ судига юборилди. Бари бир масала яна Ғ. Қосимовнинг фойдасига ҳал бўлмади.

Ғ. Қосимов ҳамон алимент тўлаб юрибди. Адолат тарозиси баъзи бир адлия ходимлари қўлида ана шундай бекарор бўлиб турибди. Аслида эса бойлик орттириш мақсадида ҳужжатларни сохталаштирган З. Аҳмедованинг танобини тортиш керак эди.

И. КЛИМОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Мазкур мақоланинг тўла нусхаси 1989 йил 16 октябрда текшириш ва чора кўриш учун Ўзбекистон ССР Олий судига жўнатилган эди. Мақола Тошкент шаҳар судига юборилгани ҳақида Олий суддан хат олинди. Унда 1989 йил 30 декабргача редакцияга жавоб қилиниши кераклиги билдирилган. Афсуски, жавоб келмади. Шу боисдан мақолани газетхонлар ҳукмига ҳавола қилишни лозим топдик.

• СПОРТ

КУРАШ:

ҚИЗЛАР МАҲОРАТИ

«Ташселмашчи» спорт клубида қизлар ўртасида дзюдо бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Боиси, мазкур мусобақада муваффақият қозонган курашчилар орасидан кучлилар сараланиши уларга 5—7 февраль кунлари Рязанда бошланадиган мамлакат биринчилигига йўлланма берилиши лозим эди. Қизларнинг ўзаро курашида вазнларига кўра Юла Янкина, Ольга Воробьева, Эля Пўлатхўжаева, Таися Рябова, Елена Явушкина, Надежда Фурманлар ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди. Мусобақа спортнинг дзюдо тури хотин-қизлар ўртасида оммавийлашиб бораётгани, иқтидорли курашчилар камол топаётганини кўрсатди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

СОВРИНДОРЛИК БАҲСИ

«Социалистический Чирчик» газетаси соврини учун ўтказилган анъанавий эстафетали мусобақа ўзига хос муросасиз баҳсга айланди. Соврин учун курашда 18 команда иштирок этди. Чирчиқдаги таниқли командалар ва клубларнинг коллективлари бу сафар мукофотли ўринларга даъвогарлик қилишолмади. 36-ҳунартехника билим юрти, 21-ўрта мактаб ва 9-микрорайон коллективлари эса соврини ўринларни эгаллашди.

ФУТБОЛ:

ПЕЛЕНИНГ ТАҲМИНИ

Шу йил ёзда Италия пойтахтида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Маълумки, финалда иштирок этувчи 24 команда 6 группага бўлинган. Совет футболчилари «В» группага кирувчи Аргентина, Камерун ва Руминия командалари билан Милан, Бари, Неапол шаҳарларида куч синашадилар. Группалардаги саралаш ўйинлари 8—21 июнь кунлари ўтказилади. Нимчорак учрашувлари 23 июнда бошланади. Шу куни «В» группа ғолиби «А», «С», «Д» группаларида учинчи ўринни олган командаларнинг бири билан ўйнайди. Чорак финал ўйинлари 30 июнда ўтказилса, ярим финал 3 июлда бўлади. Ҳал қилувчи учрашув 8 июлга мўлжалланган. Ҳозирданоқ бўлажак чемпионатда муваффақият қозонувчи командалар ҳақида тахминлар айтиш бошланди. Чунончи футбол қироли Пеле чемпионликка даъвогар командалардан 6 тасини санади. Унинг фикрича Бразилия, Италия, Аргентина, Нидерландия, ГФР ва СССР футболчилари бош совринга талабгорлик қиладилар.

Муҳаррир ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

Реклама ва эълонлар

РЎЗҒОР МУЛКИНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШДАГИ ЯНГИЛИК

РЎЗҒОР МУЛКИНИ КЎНГИЛЛИ РАВИШДА СУҒУРТА ҚИЛДИРИШДА УМУМИЙ ШАРТНОМА БЎЙИЧА ВА МАХСУС ШАРТНОМА БЎЙИЧА СУҒУРТА ҚИЛДИРИШДАН ИБОРАТ ИККИ ВАРИАНТ КЎЗДА ТУТИЛАДИ. СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ МАҚБУЛ ВАРИАНТНИ ЎЗИ ТАНЛАЙДИ. БУНДА РЎЗҒОР МУЛКИНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ШАРТНОМА ТУЗИЛГАНИ ҲОЛДА ҚЎШИМЧА ШАРТНОМА ҲАМ ТУЗИЛИШИ МУМКИН.

Хўжаликда мавжуд бўлган барча рўзғор мулки (махсус шартнома бўйича суғурта қилинадиганларидан ташқари), шунингдек, квартираларни пардозлаш ва жиҳозлаш элементлари умумий шартнома бўйича суғурта қилинади.

Қимматбаҳо металлар, қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва қўлда майда зебу-зийнат ясашга ярайдиган (рангли) тошлар: коллекциялар, суратлар, ноёб ва антиқий нарсалар: қиймати 1600 сўмдан ортиқ бўлган радио ва телеаппаратуралар, видеоаппаратуралар, компьютерлар, фото ва киноаппаратуралар, чолғу асбоблари (пианино ва роялдан бўлак), электрон аппаратуралар ва электр асбоблар, умумий қиймати 1000 сўмдан ортиқ бўлган кассеталар ва грампластинкалар, транспорт воситаларининг деталлари ва ашёлари, шунингдек шахсий гаражларда сақланаётган бошқа мол-мулклар; суғурта қилдирувчининг ер участкасида сақланаётган уй-жой дала ҳовли ва хўжалик бинолари қуриш учун ишлатиладиган қурилиш материаллари, қиймати 5000 сўмдан ортиқ бўлган бошқа уй-рўзғор анжомлари махсус шартнома бўйича суғурта қилинади.

РЎЗҒОР МУЛКИНИ ЯНГИ ҚОИДАЛАРГА АСОСЛАНГАН ШАРТЛАРДА СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ҚУИИДАГИ АФЗАЛЛИКЛАРГА ЭГА:

— суғурта ҳодисаларининг рўйхатини кенгайтириш;

— квартира ремонти учун жавобгарликнинг жорий этилиши;

— доимий суғурта қилдирувчиларга тўловлар бобида 20 фоиз енгиллик берилиши;

буюмларнинг ишлатилганлик даражасини ҳисобга олмаган ҳолда уларни ремонт қилишга сарф бўладиган харажатларнинг тўланиши;

— суғурта пулини тўлаш тартибининг соддалаштирилиши.

Шунингдек, суғурта қилдирувчининг доимий яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ ҳолда рўзғор мулкининг барча турдаги транспорт воситасида ташиб кўчирилиши (СССР ҳудуди доирасида) вақтига бу мулк суғурта қилдирилган ҳисобланади.

Рўзғор мулкини умумий ёки махсус шартнома бўйича суғурта қилдиришни истасангиз турар жойингизда ёки ишхонангиздаги Давлат суғурта инспекциясига мурожаат қилиб ёки суғурта агентини уйга таклиф этиб суғурта шартлари билан батафсил танишишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ «СОЮЗРЕКЛАМА»
«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРҲОНАСИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

16 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ФАҚАТ 10 КУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ИЛЛЮЗИОН РЕВЮ»

Япония радио-телевидениесининг гран-при совриндори, Буюк Британия сехргарлари уюшмасининг кумуш таёқчаси совриндори, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист ЛИДИЯ АБДУЛЛАЕВА ва ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА.

ПРОГРАММАДА ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИ.

ТОМОШАЛАР:

16, 17, 18 январь соат 19.30 да;

20 январь соат 16, 19.00 да;

21 январь соат 12, 15, 18.00 да

БОШЛАНАДИ

Олдиндан билет сотиш кассалари очиқ. Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-45-91, 44-35-84, 44-29-04.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг республика саломатлик маркази коллективи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, доцент А. Ю. Шомирзаевга қизи

Дилором Абдувалиевна МУХАММАДАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СССР Уй-жой, коммунал хўжалиги ва социал тараққиёт банкининг Ўзбекистон республика банки коллективи Ўзбекистон уй-жой, коммунал хўжалиги ва социал тараққиёт банкининг масъул ходими З. С. Турдиевага отаси

Салом МУҚИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбек ўрмони» Иттифоқ-республика ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси коллегияси ва коллективи ўрмон хўжалигининг кекса ходими, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўрмончиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани, Термиз ўрмон хўжалигининг собиқ ўрмон қоровули

Дўсбой БЕГИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 02026. № 11. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12